ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

"САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИ БОШҚАРИШ" ФАКУЛЬТЕТИ

"ИҚТИСОДИЁТ ВА МАРКЕТИНГ" КАФЕДРАСИ

ХАШИМОВА С.Н.

# " МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ"

## фанга доир

# МАЪРУЗА МАТНИ

Тошкент – 2013 й.

# АСОСИЙ ҚИСМ

## 1. МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ

### 1-мавзу. Иқтисодиётни янгилаш ва модернизациялаш шароитида меҳнатни ташкил этиш муаммолари (4 соат)

### 1-маъруза машғулоти

1. Меҳнатни ташкил этиш муаммоларини таркиби
2. Ижтимоий-меҳнат муносабатларини ташкил қилиш ва унинг турлари
3. Ижтимоий-меҳнат соҳаси ва унинг таркибий қисмлари
4. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида меҳнатни ташкил этиш

### 2-маъруза машғулоти

1. Меҳнат тақсимоти ва кооперациясини ривожланиши
2. Янги иш жойларини ташкил этишнинг асосий муаммолари
3. Меҳнат интизоми ва уни рағбатлантириш
4. Меҳнатни ташкил этишнинг самарали усулларини қўллаш муаммолари ва уларнинг ечимлари

**Қўлланиладиган педогогик технологиялар:** Интерактив усули.

**«Ижтимоий-меҳнат муносабатлари»** атамаси нисбатан яқинда илмий истеъмолга кириб, кенг ишлатиладиган бўлиб қолди. Ижтимоий-меҳнат муносабатлари корхоналарнинг амалий фаолиятида муайян ўрин эгаллайди. Чунки меҳнат фаолияти амалга ошадиган барча объектларда шахслар ва ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро алоқалари иқтисодий, руҳий ва ҳуқуқий жиҳатдан тавсифланади. Ижтимоий-меҳнат муносабатларида:

- шахс — ёлланма ходим;
- иш берувчи — корхона (фирма), тадбиркор;
- давлат — субъект ҳисобланадилар.

**Ёлланма ходим** — иш берувчи (корхона раҳбари ёки хусусий шахс) билан (ёзма ёки оғзаки) меҳнат шартномаси тузган фуқародир. Ходимнинг ёши, жинси, саломатлиги, маълумоти, малака даражаси, қайси касб ва тармоққа мансублиги муҳим аҳамиятга эга бўлади. Лекин, аввало, ёлланма ходим ижтимоий-меҳнат муносабатларида шахсан қатнашишга тайёр ва қодир бўлиши, ушбу муносабатларда қатнашишнинг афзалроқ усулларини кўзлаган бўлиши керак. Ижтимоий-меҳнат муносабатларининг юқори даражада ривожланганлиги, одатда, ёлланма ходимлар номидан иш олиб борадиган махсус институтлар — касаба уюшмалари ҳамда ёлланма ходимларни бирлаштиришнинг бошқа ташкилий шакллари яратилганлиги билан тавсифланади.

Ижтимоий-меҳнат муносабатлари субъекти бўлган **иш берувчи** — мустақил равишда бир нафар ёки кўплаб шахсларни ишга ёлловчи кишидир. Одатда, у ишлаб чиқариш воситаларининг эгаси бўлади. Баъзи давлатларга эса, шу жумладан, бизнинг мамлакатимизга бу амалиёт хос эмас, чунки бизда давлат корхонасининг раҳбари ҳам иш берувчи ҳисобланади.

Ижтимоий-меҳнат муносабатларининг қатнашчиси сифатида давлат қонун чиқарувчи, ҳуқуқларнинг ҳимоячиси, иш берувчи, ҳакам ва ҳоказолар

ролини бажаради. Давлатнинг ижтимоий-меҳнат муносабатларидаги роли ўзгариб бориши мумкин ва бу ҳолат давлат ривожланишининг тарихий, сиёсий ва иқтисодий шароитлари билан белгиланади.

Ижтимоий-меҳнат муносабатларининг қуйидаги уч даражаси ажратилади: **шахсий даража,** бунда ходим ва иш берувчи турлича бирикувларда ўзаро ҳаракат қиладилар; **гуруҳли даража,** бунда ёлланма ходимлар бирлашмалари ва иш берувчилар бирлашмалари ўзаро ҳаракат қилади; **аралаш даража,** бунда ходимлар ва давлат, шунингдек, иш берувчилар ва давлат ўзаро ҳаракат қиладилар.

Инсон ҳаётининг меҳнатдаги турли томонлари: меҳнатда ўзини топиш, касб танлаш, ишга ёлланиш — ишдан бўшаш, касбий ривожланиш, ижтимоий-руҳий ривожланиш, касб тайёргарлиги ва қайта тайёргарлиги, меҳнатни баҳолаш ва тақдирлаш ва ҳоказолардан иборат бўлиб, у ижтимоий-меҳнат муносабатларининг предмети сифатида намоён бўлади. Улар, одатда, қуйидаги уч гуруҳга келтирилади:

1) иш билан бандлик ва ижтимоий-меҳнат муносабатлари;

**2) меҳнатни ташкил қилиш ва унинг самарадорлиги билан боғлиқ ижтимоий-меҳнат муносабатлари;**

3) меҳнатни тақдирлаш ва шу муносабат билан юзага келадиган ижтимоий-меҳнат муносабатлари.

**Ижтимоий-меҳнат соҳаси (ИМС)** тушунчасидан иқтисодиёт назариясида ҳам, амалиётда ҳам етарли даражада кенг фойдаланилмо қда. Бу тушунча меҳнат ва ижтимоий муносабатлар бирлигини ва ўзаро боғлиқлигини анча асосли равишда акс эттиради.

**Ижтимоий тузилма ва ижтимоий уюшган меҳнат тузилмаси гўёки тенг асосларда шаклланади:** ҳар икки тузилма ҳам бир-бирига сабаб ва оқибат ҳисобланади, улардан бирортаси иккинчисининг ҳосиласи эмас, аммо, айни бир вақтда, уларнинг бири иккинчисидан шаклланади. Масалан, хусусий мулкдорлар синфи ва ёлланма ишчилар синфи фаолият, вазифалар муаян тақсимоти таъсирида айнан мана шундай синфлар сифатида қайта тикланади. Аммо хусусий мулкдорлар ҳуқуқли бошқарув вазифаларини амалга ошириш имкониятига эгадирлар, ёлланма ишчилар эса айнан ижтимоий ҳолатдаги фарқлар туфайли бири мулкка *эга*, иккинчиси эса *эгалик ҳуқуқига эга эмас* — ижрочилик вазифаларини бажаришга мажбурдир.

Ижтимоий тузилманинг асосий омиллари ва белгиларини ажратиб, биз ижтимоий уюшган меҳнатнинг асосий таркибий элементларини ҳам фарқлашимиз мумкин бўлади. Ҳар икки тузилмани акс эттирадиган шундай ажратувчи чегаралардан айримларини келтирамиз:

1. Яратуви *“соғлом”* ижтимоий кучлар ва **дистректив** жамиятни бузувчи *“носоғлом”* ижтимоий кучлар. Ижтимоий меҳнат тузилмасида бундай бўлинишга ижтимоий фойдали ва ижтимоий зарарли меҳнат тўғри келади.

2. Хўжаликда реал ҳокимиятга ва хусусий мулкка эга бўлган ижтимоий гуруҳлар ва бундай ҳокимиятга эга бўлмаган гуруҳлар. Ижтимоий уюшган меҳнат тузилмасида бундай бўлинишга эксплуатацияни таъминловчи меҳнат ва

эксплуатация қилинувчи меҳнат мувофиқ келади. Ўрта синф деб аталмиш ижтимоий ҳодиса ҳам шу бўлиниш доирасидир.

3. Ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий ҳолатидаги фарқлар ишлаб чиқаришнинг технологик ва ташкилий тартибидаги фарқларни ҳам акс эттиради. Ижтимоий уюшган меҳнат тузилмасида бу фарқларга меҳнатнинг индустриал, постиндустриал, патриархал, манифактура, ҳунармандчилик, ўзини ўзи иш билан банд қилиш, хизмат, хизматкорлик, мардикорлик, майда тадбиркорлик каби турлари тўғри келади.

4. Ижтимоий ривожланиш реал мулкдорларнинг мақсадлари ва самарадорлик мезонларига, яъни хусусий манфаатларига бўйсунади, айни бир вақтда, ишлаб чиқариш эса ҳар бир муайян мамлакат барча халқнинг умумий иш жойи сифатида мавжуд бўлади. Етарлича тўлиқ тадқиқ қилинган бу зиддият ижтимоий уюшган меҳнат тузилмасида қуйидагича намоён бўлади. Ижтимоий уюшган меҳнат муомаласига талаб қилинган одамлар сони реал қўлланилган меҳнат ресурсларига мувофиқ келмайди. Бундан — фақат меҳнат даромадларига нормал яшаши мумкин бўлган аҳолини бу қисми ижтимоий ҳолатнинг асосий тавсифномаси сифатида аҳолини иш билан банд бўлмаган қисмининг ва ишсизликнинг қонуний мавжудлигидир.

5. Халқаро хўжалик алоқалари ва хўжаликларнинг глобаллашуви меҳнат бозорларининг янги чегараларини келтириб чиқаради ва турли мамлакатлар меҳнаткашлари мафаатларини тўқнаштиради. Барча мамлакатларда бу ижтимоий уюшган меҳнат тузилмаси, ўз навбатида, ишчи кучининг хорижийлик муаммосини ва меҳнат иммиграцияси муаммоларини юзага келтириш шаклида акс этади.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ижтимоий-меҳнат муносабатларини ташкил қилиш деганда нимани тушунасиз?
2. Ижтимоий-меҳнат муносабатларининг турлари?
3. Ижтимоий-меҳнат соҳаси нима?
4. Бу соҳасининг асосий, таркибий қисмлари нималардан иборат?
5. Ижтимоий тузилма ва ижтимоий уюшган меҳнат тузилмаси нималар билан бир-биридан фарқ қилади?
6. Меҳнат тақсимотининг қандай турлари мавжуд?
7. Меҳнат тақсимоти ва кооперацияси жараёнларининг ызгарувчанлиги нималарга боғлиқ?
8. Интизом нима?
9. Интизом турларини санаб ытинг?
10. Моддий ва маънавий рағбатлантиришни тушунтириб беринг.

Тавсия этилган адабиётлар

1. И.А.Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир– Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 34-50 б.

2.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо

этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 63-85 б.

4. “Баркамол авлод йили” Давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 20.01.2010 й. № ПҚ-1266.

5. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: MEHNAT, 2009. - 763 бет.

6.Буланов И.С.,Волгин Р.А. Рўнок труда. Учебник. - М: «Экзамен», 2007. - 479стр.

7.Мумладзе Р.Г. Экономика и социология труда. Учебник. - М.: КНОРУС, 2007. – 328 стр.

8. Кибанов А.Я. Экономика и социология труда. Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2010. – 548 стр.

## 2-мавзу. Меҳнат ресурсларини шаклланиши ва улардан фойдаланиш муаммолари. Меҳнат ресурслари балансини ишлаб чиқиш методикаси. (4 соат)

### 1-маъруза машғулоти

1. Меҳнат ресурслари ижтимоий-иқтисодий категория сифатида
2. Ишчи кучи ва унинг таркибий қисмлари
3. Меҳнат ресурсларини шаклланиш йўналишлари, шарт-шароитлари ва омиллари

### 2-маъруза машғулоти

1. Меҳнат ресурсларини оқилона шакллантириш муаммолари
2. Меҳнат ресурсларидан миллий иқтисодиётнинг тармоқларида самарали фойдаланиш муаммолари
3. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш мезонлари ва кўрсаткичлари

**Қўлланиладиган педогогик технологиялар:** “Пинборт” услули

**Инсон ресурслари** – одамлардир. Улар фақат моддий неъматлар яратиб қолмай, шу билан бирга уларни истеъмол ҳам қиладилар. Одамлар ызларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари жиҳатидан унчалик бир хил эмаслар. Бунга уларнинг жинси, ёши, соғлиғи, оилавий аҳволи, маълумот даражаси ва бошқа ижтимоий, психофизиологик сифатлари сабаб былади. Шунинг учун бир киши иккинчисига ыхшамайди.

Иқтисодиётда амалга оширилаётганислоҳий ызгаришлар даврида ҳамма нарсаларни инсон эҳтиёжлари ва тақдири билан мувофиқлаштириш муҳимдир.

Меҳнат ресурслари мамлакат аҳолисининг ыз психофизиологик **ва** ақлий сифатлари билан моддий неъматлар ишлаб чиқаришга ёки хизматлар кырсатишга қодир былган қисмидан иборатдир.

**Меҳнат ресурслари деб, ызининг ақлий ва жисмоний меҳнати билан ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этадиган меҳнатга қобилиятли кишилар тыпламига айтилади.**

Бу таърифдан шу нарса келиб чиқадики, меҳнат ресурслари ызига иқтисодиётда меҳнат билан банд былган кишиларни ҳам, меҳнат билан банд

былмаса ҳам меҳнат қилишлари мумкин былган кишиларни ҳам қамраб олади. Бошқача айтганда, меҳнат ресурслари ҳақиқий (реал) ва потенциал ходимлардир.

**Ишчи кучи** — меҳнат жараёнида инсон фойдаланадиган унинг жисмоний ва маънавий қобилиятларнинг мажмуасидир. Замонавий хорижий иқтисодий назарияларда «ишчи кучи» атамаси кыпинча «иқтисодий фаол аҳоли» тушунчасининг синоними сифатида қылланилади. Масалан, Р.Ж. Эренбергер ва Р.С. Смит бундай таъриф берганлар: «Ишчи кучи» деганда ёши 16 дан юқори былган ходимлар ва ё эндиликда ишлаётганлар, ёки фаол равишда иш қидириш билан банд былганлар ёхуд ишдан бышатилганларидан кейин хизматларга яна мурожаат қилишларини кутаётганлар тушунилади»[1]. Халқаро меҳнат ташкилоти ҳам худди шунга ыхшаш нуқтаи назарга амал қилади.

**«Ишчи кучи» атамаси кып ҳолларда уч маънони англатишда ишлатилади:**

**• организм, тирик инсон шахси эга былган ва ҳар сафар у қандайдир истеъмол қийматини яратиш чоғида ишга соладиган жисмоний ва маънавий қобилиятлар мажмуи сифатида;**

• аҳолининг иш билан банд былган ёки иш излаётган қисми — иқтисодий фаол аҳолининг синоними сифатида;

• умуман ишловчилар ёки муайян бир корхона ишчилари (кундалик турмушда одатда шундай фойдаланиладиган тушунча) сифатида.

Қизиғи шундаки, маълум контекстда «ёлланма ишчилар» ҳам «меҳнат» ҳам «ишчи кучи» сыз бирикмаси билан ифодаланади. Аммо айни бир вақтда «меҳнат ресурслари» сызи ва «ишчи кучи» сыз бирикмалари турли вариантларга эга былиб, уларни қыллашда онгли ва тегишли изоҳлар бериш керак былади.

**Инсон омили** — ташкилот ва муассасаларнинг биргаликда фаолият кечириш учун бирлашган кишиларидир. Таркибий жиҳатдан у, биринчи навбатда шахс, ишчи гуруҳи, меҳнат жамоасидир.

Инсон омили — бу фақат жамоа ходими эмас, балки ижтимоий ҳаётнинг жамоа субъектидир, у ижтимоий, демографик, иқтисодий ва сиёсий тузилмага эга былиб, унинг элементларининг ызаро ҳаракати жамият ривожланишини таъминлайди.

Ишлаб чиқаришнинг шахсий омили (бевосита-ижтимоий маънода — шахс омили) унинг меҳнат фаолияти жараёнида намоён быладиган субъект (ходим) сифатларини бутун хилма-хиллиги билан акс эттиради.

**Шахсий омил — фаолият кырсатадиган (ҳаракатда амалга ошириладиган) иш кучи былиб, ыз сифат кырсаткичларининг мажмуи билан қараб чиқилади.**

Меҳнат ресурсларининг аксарият кыпчилик қисмини меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга қобилиятли аҳоли ташкил этади. Меҳнат қилишга лаёқатли

---

[1] *Эренберг Р.Ж., Смит Р.С.* Замонавий меҳнат иқтисодиёти: назария ва давлат сиёсати. М.: 2006, 34-б.

ёшдан катта кишилар, ишловчи пенсионерлар ва амалда "ноль" вазифасини бажарувчи шахслар, мехнатга лаёқатли ёшдан кичик кишилар, ишловчи ысмирлар меҳнат ресурсларининг салмоғида у даражада сезиларли роль ыйнамайди.

**Меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга қобилиятли аҳоли**. Меҳнат ресурслари таркибига I ва II гуруҳдаги ишламайдиган ногиронлар кирмаслигини эсда тутган ҳолда, дастлаб биз меҳнат қилишга лаёқатли ёшдаги аҳолини, сынгра унинг меҳнат қилишга қобилиятли қисмини қараб чиқамиз.

Мазкур методикага кўра:

1. Ишга жойлаштиришга муҳтож шахслар сони меҳнат ресурслари сонидан меҳнат билан бандлар сони ва иқтисодий фаол бўлмаганлар сонини чиқариб ташлаган ҳолда қуйидаги формула бўйича аниқланади:

**ММ қ МРА-Б-ИНФ,**

*бунда:* **ММ** – ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли (ишсизлар);

**МР** – меҳнат ресурслари;

**Б** – иш билан бандлар;

**ИНФ** – иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли.

2. Меҳнат ресурслари сони меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони ва меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва катта ёшдаги ишловчилар сони йиғиндиси сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

**МР қ МЛА Қ ИЎП,**

*бунда*: **МР** – меҳнат ресурслари;

**МЛА** – меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли;

**ИЎП** – ишлаётган ўсмирлар ва пенсионерлар.

3. МЛА сони меҳнатга лаёқатли ёшидаги аҳоли (16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар ва 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар) сонидан меҳнатга лаёқатли ёшдаги I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек имтиёзли шартларда пенсия олаётган меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахслар сонини чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади:

**МЛА** қ **Э(16-60)** Қ **Х(16-55) - Ног - Пи,**

*бунда:* **Э(16-60)** – 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар;

**Х(16-55)** – 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар;

**Ног** – меҳнатга лаёқатли ёшдаги I ва II гуруҳ ногиронлари;

**Пи** – имтиёзли шартларда пенсия олаётган меҳнатга лаёқатли ёшдаги пенсионерлар.

4. Меҳнат билан бандлар сони қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

**ИТ** қ **ИТр** Қ **ИТнр** Қ **ММ,**

*бунда:* **ИТр** – иқтисодиётнинг расмий секторида ишловчилар;

**ИТнр** – иқтисодиётнинг норасмий секторида ишловчилар;

**ММ** – мигрант меҳнатчилар – хорижда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси резидентлари, уларнинг мазкур мамлакатда рўйхатга олинган ёки олинмаганлигидан қатъи назар.

4.1. Расмий секторда банд бўлганлар давлат статистика ҳисоботи маълумотлари бўйича аниқланади ва ҳисоблаб чиқилади ҳамда қуйидагилардан

иборат бўлади:

• ёлланиб (меҳнат шартномаси бўйича), шу жумладан сайланадиган лавозимларда ишлаётган доимий, вақтинчалик ва мавсумий ходимлар;

• ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари ва бошқа ташкилотлар ходимлари;

• кооперативлар ва ширкатлар аъзолари;

• хусусий корхоналар эгалари (иш берувчилар), шу жумладан фермерлар;

• юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс сифатида расман рўйхатга олинган фуқаролар;

• юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган деҳқон хўжаликлари аъзолари ҳамда шахсий ёрдамчи хўжаликлар ва деҳқон хўжаликларида қорамол ўстириш билан банд бўлган шахслар;

• нодавлат нотижорат ташкилотлари ходимлари.

4.2. Норасмий секторда банд бўлганлар сонини аниқлаш ва ҳисоблаб чиқиш. Халқаро меҳнат ташкилоти нормаларидан келиб чиқиб ҳамда Давлат статистика қўмитасининг ҳисобга олиш ва таснифлаш амалиётига мувофиқ иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлганлар жумласига ижтимоий суғурта ва солиқ органларида ҳисобга турмаган қуйидаги шахслар киради:

• юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилмаган деҳқон хўжаликлари аъзолари;

• уйда пулли хизматлар кўрсатиш билан банд бўлган шахслар (энагалар, уй хизматчилари, уй ошпазлари, автомобиль ҳайдовчилар, қоровуллар);

• жисмоний шахсларда ҳақ олиб ишловчи шахслар;

• оила бошлиқларига уларнинг тадбиркорлик фаолиятида ёрдам берувчи оила аъзолари;

• тегишли рўйхатдан ўтмай ишловчи тадбиркорлар.

Иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан банд шахслар сони меҳнат органлари томонидан бандлик масалалари бўйича ҳар чоракда амалга ошириладиган ўрганиб чиқиш асосида аниқланади.

Иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан банд аҳоли сонини аниқлаш учун бандлик масалалари бўйича танлаб ўрганиб чиқиш маълумотлари асосида:

а) иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолиятнинг тегишли турлари билан шуғулланувчи шахслар сонининг меҳнатга лаёқатли ёшдаги сўраб чиқилганларнинг умумий сонидаги салмоғи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

**СЧСі қ ССі: СС х 100,**

*бунда:* **СЧСі** – иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолиятнинг аниқ тури билан шуғулланувчи сўраб чиқилганлар салмоғи;

**ССі** – иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолиятнинг аниқ тури билан шуғулланувчи сўраб чиқилганлар сони;

**СС** – меҳнатга лаёқатли ёшдаги сўралганлар сони, ҳаммаси;

б) олинган салмоқ кўрсаткичи бўйича иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолиятнинг аниқ тури билан шуғулланувчи аҳоли сонининг ҳисоби қуйидаги формула бўйича аниқланади:

**ИТНРі қ МЛА х СЧСі / 100,**

*бунда:* **ИТНРі** – иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолиятнинг аниқ тури

билан шуғулланувчилар сони;

**МЛА** – меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли сони.

в) иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан бандларнинг умумий сонини аниқлаш учун фаолиятнинг ҳар бир аниқ тури бўйича ИТНР тўғрисидаги маълумотлар жамланади:

**ИТНР қ Z1iИТНР1i,**

*бунда:* **ИТНР** – иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан бандлар сони, ҳаммаси.

4.3. Меҳнат фаолиятини хорижда амалга ошираётган шахслар сонини аниқлаш. Меҳнат фаолиятини хорижда амалга ошираётган шахслар сони қуйидаги тартибда босқичма-босқич аниқланади:

*Биринчидан,* ишга жойлаштиришга муҳтожларни аниқлаш мақсади учун меҳнат органлари томонидан меҳнат эмиграцияси бўйича саволномага мувофиқ, меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ўрганишларни ўтказиш пайтида мигрант меҳнатчилар сифатида хорижда турганлар сони аниқланади. Бунинг учун:

а) уй хўжаликларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича (меҳнат эмиграцияси модулига биноан) ҳар чоракдаги ўрганишлар маълумотлари асосида меҳнат фаолиятини хорижда амалга ошираётган шахсларнинг сўралганлар умумий сонидаги салмоғи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

**ММС қ КММС / СС х 100,**

*бунда:* **ММС** – мигрант меҳнатчиларнинг сўралганларнинг умумий сонидаги салмоғи;

**КММС** – меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетган шахсларнинг (мигрант меҳнатчиларнинг) меҳнат билан бандлик масаласи бўйича уй хўжаликларини ўрганиш давомида аниқланган сони;

**СС** – меҳнатга лаёқатли ёшдаги сўралганлар сони, ҳаммаси.

***Изоҳ.*** *Хориждаги мигрант меҳнатчиларнинг уй хўжаликларини ўрганишда бевосита қатнашаслигини (сўров пайтида бўлмаслигини) ҳисобга олиб, ушбу шахслар сони тўғрисидаги маълумотлар сўралаётган уй хўжаликлари ваколатли аъзоларидан сўралган ҳолда олинади.*

б) мигрант меҳнатчиларнинг сўралганларнинг умумий сонидаги салмоғи бўйича мигрант меҳнатчиларнинг меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли таркибидаги умумий сони қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

**ММ қ ММС х МЛА / 100,**

*бунда:* **ММ** – мигрант меҳнатчилар сони, ҳаммаси;

**МЛА** – меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли сони.

в) зарурат бўлганда, меҳнат фаолиятини хорижда амалга ошираётганларнинг сони жўнаб кетган йўналиши (мамлакати) бўйича аниқланади. Бунинг учун:

• ўрганишлар маълумотлари бўйича ҳар қайси мамлакатдаги меҳнат фаолиятини амалга ошираётган мигрант меҳнатчиларнинг сўралганлар умумий сонидаги салмоғи аниқланади;

• меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли умумий сонига нисбатан салмоқни пропорционал равишда ҳисоблаб чиқиш ва жамлаш йўли билан

муайян мамлакатларда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган мигрант меҳнатчилар сони аниқланади.

*Иккинчидан,* умуман республика бўйича меҳнат ресурсларини ҳисоблаб чиқишда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетган шахслар сони ҳисобга олинади. Уларнинг сони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳисобга олишни такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 15 майдаги 97-сон қарори билан тасдиқланган схема бўйича, қуйидагиларни ўз ичига олувчи интеграциялашган ахборотлар модули асосида аниқланади:

а) хорижга кетганларнинг сони ва мақсади тўғрисида божхона декларациясининг такомиллаштирилган шакли асосидаги ҳар чораклик статистика ҳисоботи маълумотлари;

б) меҳнат эмиграцияси масалалари бўйича ҳар йилги социологик ўрганишлар маълумотлари;

в) меҳнат фаолиятини хорижда амалга ошириш учун фуқароларга Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан берилган рухсатномалар маълумотлари;

г) Ташқи ишлар вазирлигининг хориждаги консуллик муассасаларидан олинган маълумотлар;

д) уй хўжаликларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ҳар чораклик ўрганишлар маълумотлари.

5. Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли сони қуйидагича аниқланади:

**ИФА қ Ў Қ А Қ ИН Қ ИББ,**

*бунда:* **ИФА –** иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли;

**Ў** – ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган ҳамда иш ҳақи ва меҳнат даромадига эга бўлмаган ўқувчилар ва талабалар;

**А –** уй бекалари ва болаларни парвариш қилаётган ишламайдиган аёллар;

**ИН –** ишламайдиган учинчи гуруҳ ногиронлари;

**ИББ –** ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаган шахслар, шунингдек кўчар ва кўчмас мулкдан даромад оладиган ишламайдиган шахслар.

6. Мустақил равишда иш қидираётганлар сони ишга жойлаштиришга эҳтиёж сезадиган аҳолининг ҳисобланган сонидан ҳисобот даври охиридаги ҳолати бўйича Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказларида расман ишсизлар сифатида рўйхатдан ўтказилган шахслар сонини чиқариб ташлаш йўли билан қуйидаги формула бўйича аниқланади:

**ИМ қ ИБ - РР,**

*бунда:* **ИМ** – иш билан банд бўлмаганлар, мустақил равишда и қидираётганлар;

**ИБ –** ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳол (ишсизлар);

**РР –** ишга жойлаштиришга муҳтож бўлганларни аниқлаш пайтида расман рўйхатдан ўтказилган ишсизлар.

Аҳолининг иш билан бандлигини ўрганиш махсус танлаб олинган хўжалик аъзолари орасида сўров ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Уй хўжаликларини сўраб чиқиш ҳар чораклик асосида Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказлари ходимлари томонидан ҳар чоракнинг охирги ойи иккинчи ўн кунлиги мобайнида ўтказилади.

Сўраб чиқилиши керак бўлган уй хўжаликларини танлаш ҳар бир туман бўйича маълумотларнинг репрезентативлигини таъминлайдиган ҳар бир туман (шаҳар) бўйича уй хўжаликларининг камида бир фоизини сўров билан қамраб олиш ҳисобга олинган ҳолда пропорционал танлов бўйича ўтказилади.

Уй хўжаликларини сўраб чиқиш Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказлари томонидан туман (шаҳар) статистика бўлимлари билан биргаликда тўрт босқичда ўтказилади:

а) биринчи босқичда ҳар бир туман бўйича ўрганилиши керак бўлган уй хўжаликлари сони қуйидаги формула бўиича аниқланади:

**УХСқУХ x 1%,**

*бунда:* **УХС** – ҳар бир туман (шаҳар)да сўраб чиқилиши керак бўлган уй хўжаликлари сони;

**УХ** – туман (шаҳар)даги уй хўжаликлари сони;

б) иккинчи босқичда уй хўжаликлари ўрганиладиган аҳоли пунктлари аниқланади, бунда:

• танлаб олинган аҳоли пунктлари ёнма-ён чегараларга эга бўлмаслиги керак;

• туман марказлари ва улардан йироқда жойлашган аҳоли пунктлари мажбурий тартибда ўрганилиши керак;

• ҳар бир туманда камида 5 та аҳоли пункти (туман маркази ҳам шу жумлага киради) ўрганилиши керак;

• ҳар бир шаҳарда ёнма-ён чегараларга эга бўлмаган камида 5 та маҳалла ўрганилиши керак.

Аҳоли пунктларини танлаш туман (шаҳар) статистика бўлими билан келишган ҳолда Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказлари томонидан амалга оширилади;

в) учинчи босқичда ҳар бир аҳоли пунктида ўрганилиши керак бўлган уй хўжаликлари сони аниқланади;

г) тўртинчи босқичда аҳоли пунктларида (маҳаллаларда) мавжуд бўлган уй хўжаликлари рўйхатлари асосида ўрганилиши керак бўлган уй хўжаликларининг аниқ рўйхати аниқланади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1.
2. Инсон ресурслари нима?
3. Меҳнат ресурслари деб нимага айтилади?
4. "Меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнат қилишга қобилиятли аҳоли" тушунчасини таърифлаб беринг.
5. «Ишчи кучи» атамаси қандай маънони англатишда ишлатилади?
6. Ишчи кучининг таркиби нималардан иборат?
7. «Омил» атамасини ёритиб беринг.
8. «Меҳнат ресурслари» ва «инсон омили» тушунчаларини фарқлаб беринг.
9. Инсон омилини фаоллаштиришнинг уч йыналишини кырсатинг.
10. «Инсон капитали» тушунчасининг аҳамияти сабабларни изоҳланг.

11.Меҳнат ресурслари балансини тузиш муаммолари нималардан иборат?

**Тавсия этиладиган адабиётлар**

1.Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: MEHNAT, 2009. - 763 бет.

2.Маренков А. Управление трудовўми ресурсами Издательство: ФЕНИКС. 2007. –448с.

3. Одегов Ю.Г.и др. Экономика труда: Учебник. В 2 т. Т. 1. – М.: «Альфа-Пресс», 2007. – 760 стр.

4.Шоюсупова Н.Т. «Мехнат иктисодиёти:ижтимоий-меҳнат муносабатлари» фани буйича таълим технологияси. –Т; ТДИУ, 2009

5.Кушлин В.И., Буянов В.С., Михайлов В.А. Безработица: теория и современная практика (социально-экономический аспект)-М.: Издательство:ДиС, 2006.

6.Кязимов К. Рўнок труда и занятость населения: Учебное пособие Издательство: Перспектива, 2006. -368с.

## 3-мавзу. Меҳнат бозорини шаклланиши ва ривожланиши муаммолари. (4 соат)

**1-маъруза машғулоти**

1. Меҳнат бозорини шаклланиши: шарт-шароитлар, омиллар, тамойиллар
2. Меҳнат бозорини шаклланишига ишчи кучига талаб ва таклифнинг нисбатини таъсири
3. Меҳнат бозорини шаклланиши тамойиллар шарт-шароитлар ва тамойиллар

**2-маъруза машғулоти**

1. Меҳнат бозори шаклланишининг асосий муаммолари
2. Меҳнат бозорини ривожланиши шарт-шароитлари ва омиллари
3. Мехнат бозорини ривожланиш босқичлари
4. Меҳнат бозорини ривожланиш самарадорлиги

**Қўлланиладиган педогогик технологиялар:** “Ақлий хужум” услули

Меҳнат бозори, бозор тизимининг ажралмас қисми сифатида фақат товар ишлаб чиқариш ва муомаласи умумий ҳукмрон былгандагина вужудга келади. Ишчи кучи «меҳнатга қобилияти»нинг товарга айланиши меҳнат бозори шаклланишининг **бош шарти** ҳисобланади. Академик И.А. Каримов таъкидлаганидек**, «меҳнат бозори былмаса, ишчи кучи товарга айлантирилмаса, бозор муносабатлари тығрисидаги гап-сызлар оғизда қолиб кетади»**. Ишчи кучи товарга шундай ҳолда айланадики, агар унинг эгаси - ходим - ишлаб чиқариш воситалари ва турмуш кечириш воситаларидан юридик эркин шахс былса. Шахснинг фуқаролик эркинлиги ходимга меҳнатни қыллаш соҳаси, ундан фойдаланиш шароитлари ва иш ҳақини эркин танлаш ҳуқуқини расмий беради. Эркин субъект сифатида у шахсий мулкчилик ва ызининг ишчи кучига эгалик ҳуқуқига эга былади. Ўзбекистон

Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тығрисида»ги қонунида таъкидланганидек, «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ишлаб чиқариш ва ижодий меҳнат учун ыз қобилиятларига эгалик қилиш ва қонунчилик ман қилмайдиган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган. Меҳнатга ҳар қандай шаклда маъмурий мажбур қилишга йыл қыйилмайди. Кишиларнинг ихтиёрий банд былмаслиги уларни жавобгарликка тортиш учун асос была олмайди».

**Ишчи кучи талаб ва таклифи ыртасида бозор мувозанатига эришиш меҳнат бозорининг шаклланишида ҳал қилувчи иқтисодий шартлардан бири ҳисобланади**. Аммо бундай мувозанат мавжуд эмас. Бунинг асосий сабаби - таклиф қилинган меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг унга талаб миқдорига нисбатан тез ысиши.

Юқорида қайд этилган шарт-шароитлар меҳнат бозори фаолият кырсатишининг қуйидаги **асосий тамойилларини** тылиқ амалга татбиқ этган ҳолда мазкур бозор шаклланишига самарали таъсир кырсатади:

- **ишчи кучининг эркин таклифи**. Бу меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг иш билан банд былиш ва былмасликни ихтирий танлашини, меҳнат қонунлари томонидан тақиқланмайдиган ва ҳар бир ходимнинг шахсий ва жамоа манфаатларини ҳисобга олувчи касб ва фаолият турини эркин танлаш учун шароитлар мавжудлигини англатади;
- **иш берувчиларнинг ишчи кучига мустақил талаби.** Бозор иқтисодиёти ходимларни барча иш берувчилар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва «Меҳнат кодекси» қоидаларига албатта амал қилган ҳолда ишга эркин ёллашлари ва ишдан бышатишлари ҳамда бандлик, меҳнат шароитлари ва унга ҳақ тылашни кафолатлаш билан фуқороларнинг манфаатларини ҳимоя қилишлари учун имкониятлар яратади;
- **ёлланма ходимларнинг иш берувчилардан ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилинганлиги;**
- **иш ҳақи ва бошқа қонуний даромадлар чегарасини Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган «кун кечириш учун зарур миқдордан кам былмаслик»ка риоя қилган ҳолда эркин белгилаш.**

Бозор иқтисодиётининг ажралмас ва муҳим таркибий қисми — **меҳнат бозоридир.** Айнан меҳнат бозори орқали ғоят муҳим миллий ресурс былган меҳнат минтақалар, тармоқлар, фирмалар ва касблар быйича тақсимланади. Шу бозорда унинг баҳоси ҳам белгиланади.

**Меҳнат бозори** иш билан бандликни тартибга солишда фаол рол ыйнайди. Меҳнат бозорида асосий миллий ресурс — ишчи кучи шаклланади ҳамда корхоналар, тармоқлар ва минтақалар быйича тақсимланади.

Меҳнат бозорининг асосий унсурлари қуйидагилардир:

- Ишчи кучини таклиф қилиш.
- Ишчи кучига талаб.

- Ишчи кучига талаб ва таклифнинг нисбати асосида унинг баҳоси (иш ҳақи) шаклланади.

Меҳнат бозори унда вужудга келаётган ишчи кучи оқимларини тартибга солади. Бу оқимлар тыртта асосий йыналиш быйича юзага келади:

Биринчиси — иш билан бандларнинг ишни йықотиши натижасида ишсизлар сафига ытиши.

Иккинчиси —ишсизларни ишга жойлаштириш ва шу тариқа уларнинг иш билан бандлар тоифасига ытиши.

Учинчиси— иш излашни тыхтатиш, яъни меҳнат бозоридан чиқиб кетиш ва иқтисодий фаол аҳолидан иқтисодий нофаол аҳолига ытиш.

Тыртинчиси — илгари ишламаган ёки ҳеч қачон иш қидирмаганларнинг иш қидириши ва ишга жойлашиши, шу тариқа уларнинг иқтисодий фаол аҳоли тоифасига киришиши.

Бозор иқтисодиётига ытиш шароитларида мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, иқтисодиётимизни таркибий ызгартириш, зарар келтириб ишлаётган корхоналарни тугариш, фан-техника тараққиёти ютуқлари ва интенсив технологияларни жорий этиш ҳисобига асосан ишлаб чиқаришдан бышатилаётган ходимлар – меҳнаткашлар салмоғи кыпаймоқда.

Ишчи кучига былган талабни оширишни рағбатлантириш усулларини татбиқ этиш – меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашга ҳамда мазкур ҳудудлар учун самарали тармоқларни ривожлантиришга қаратилгандир.

Қишлоқ хыжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва харид қилиш ҳамда агросервис хизмати кырсатиш ва шахсий меҳнат фаолияти быйича иш жойларини яратиш, ишлаб чиқариш кучлари ва бандликнинг ноанъанавий шаклларини ривожлантириш, аграр сектордаги ишдан вақтинча бышатилаётган шахслар учун мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қайта таъмирлаш ҳамда янги иш жойларини яратиш мақсадида тығридан-тығри инвестициялар – сармоялар қылланишининг асосий йыналишларидир.

Ишчи кучларига талабни оширишни агросаноат мажмуининг меҳнат ресурсларини қайта тақсимлашдан манфаатдор тармоқларида иш жойларини яратиш ҳамда мавжудларини қайта таъмирлаш ва янги, замонавий касбларни эгаллашга сармояларни тығридан-тығри жалб этиш орқали тартибга солиш мумкин. Дотациялар,субсидиялар ва кредитларни агросаноат мажмуидаги корхоналарни, айниқса, қайта ишлаш корхоналарини қуриш, техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва реконструкциялашга, шахсий меҳнат фаолиятини ривожлантириш йыли билан хизмат кырсатиш соҳасини кенгайтиришга, шунингдек, кып болали аёллар, меҳнатга лаёқатли пенсионерлар,ногиронлар, ысмирлар ва бошқаларга мос иш жойларини вужуга келтиришга йыналтириш мақсадга мувофиқ. Шу тариқа ортиқча меҳнат ресурсларини юқорида айтиб ытилган тармоқларга ва айрим махсус иш жойларига жалб этиш, айни пайтда ишчи кучларининг касбий ва малака таркибига бевосита таъсир ытказиш мумкин.

Меҳнат бозоридаги эркин рақобатда ишчи кучларигина эмас, балки шахсий ёки жамоавий меҳнат шартномаси асосида фойдали нархда ызининг «меҳнат қобилияти»ни сотишга муҳтож кадрлар ҳам қатнашиши мумкин. Бу

ерда меҳнат ресурслари билан иш берувчилар ыртасидаги муносабатларнинг сифат кырсаткичлари юзасидан эркин рақобат вужудга келади.

**Рақобат** — ҳар қандай бозор механизмини ташкил этувчи ажралмас қисм былиб, у кып миқдордаги эркин харидорлар ва иш кучини сотувчиларнинг мавжудлиги ҳамда улар учун меҳнат бозорига эркин кириш ва уни тарк этиш имкониятини англатади.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Меҳнат бозорини шаклланишининг шарт-шароитлар қандай?
2. Унинг омиллар ва тамойилларни тушунтиринг.
3. Меҳнат бозорини шаклланишига ишчи кучига талаб ва таклифнинг нисбатини таъсири қандай?
4. Меҳнат бозори фаолият кырсатишида асосий тамойилларини кырсатинг.
5. Ўзбекистон шароитида меҳнат бозорини самарали шакллантиришга тысиқ быладиган бир қатор чекловчилар нималардан иборат?
6. Иш ҳақининг ыртача паст даражаси иш билан бандлик ва унинг тузилишига нима сабабдан салбий таъсир кырсатади?
7. Меҳнат бозорини шаклланишига ишчи кучини ёллашдаги рақобатларнинг таъсири
8. Меҳнат бозорининг асосий унсурлари намалар?
9. Меҳнат бозори ривожланиш концепциясининг асосий мақсади ва стратегик мақсадилари?
10. Меҳнат бозори ривожланиш концепциясининг асосий босқичлари ва вазифалари нималардан иборат?
11. Меҳнат бозорини ривожланиш самарадорлиги қандай?

### Тавсия этилаётган адабиётлар

1.Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир/И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 34-50 б.

2. “Баркамол авлод йили” Давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 20.01.2010 й. № ПҚ-1266.

3. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: MEHNAT, 2009. - 763 бет.

4.Буланов И.С.,Волгин Р.А. Рўнок труда. Учебник. - М: «Экзамен», 2007. - 479стр.

5.Холмўминов Ш.Р. Меҳнат бозори иқтисодиёти (ўқув қўлланма) -Т.:ТДИУ, 2006. -144б

6. Холмўминов Ш., Холмуротов С., Шоюсупова Н. “Меҳнат бозори иқтисодиёти” ўқув фани бўйича таълим технологияси. “Иқтисодий таълимда ўқитиш технологияси” сериясидан. –Т.: ТДИУ, 2009. 32-35 б.

## 4-мавзу. Иқтисодий ўсишни таъминлашда аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш йўллари (4 соат)

### 1-маъруза машғулоти

1.Аҳолини иш билан бандлигини аҳамияти ва унга меҳнат бозорини

таъсири.

2.Аҳоли бандлигини таъминлаш мезонлари.

3.Ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришиш.

4.Янги иш жойларини яратишни такомиллаштириш.

## 2-маъруза машғулоти

1.Иқтисодий фаол аҳолининг меҳнатда иштирокини ошириш.

2.Меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлаш йўллари.

3.Аҳолининг иш билан бандлигига таъсир этувчи шарт-шароитлар ва омиллар.

4.Аҳолининг иш билан бандлигини оширишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий тадбирлар.

Аҳолини иш билан таъминлаш унинг такрор ишлаб чиқарилиши учун зарур шартдир. Чунки кишиларнинг турмуш даражаси, жамиятнинг кадрлар танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ишга жойлаштириш, ишсизларни моддий жиҳатдан қыллаб-кувватлаш учун сарф қиладиган чиқимлари уларнинг иш билан таъминланишига боғлиқ. Иш билан бандлик инсон ижтимоий камолотининг энг муҳим томонларидан бирини очиб берадики, бу унинг меҳнат соҳасидаги ва меҳнат билан боғлиқ былган эҳтиёжларини қондиришга алоқадордир.

Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини иш билан таъминлаш тығрисида»ги қонунининг 2-моддасида қайд этилганидек, «Иш билан таъминлаш – фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган, ыз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ былган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятдир».

Қуйидагилар иш билан таъминланган деб ҳисобланади:

- ёлланиб ишлаётган, шу жумладан, ишни тылиқсиз иш вақтида ҳақ эвазига бажараётган, шунингдек, ҳақ тыланадиган бошқа ишга, шу жумладан, вақтинчалик ишга эга былган фуқаролар;
- бетоблиги, меҳнат таътилида, касбга қайта тайёрлашда, малака оширишда эканлиги, ишлаб чиқаришни тыхтатиб қыйганлиги муносабати билан, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинча иш жойи сақланиб турадиган бошқа ҳолларда вақтинча иш жойида былмаган фуқаролар;
- ызини иш билан мустақил таъминлаётган фуқаролар, шу жумладан, юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар, кооперативларнинг аъзолари, фермерлар ва уларнинг ишлаб чиқаришда қатнашаётган оила аъзолари;
- Қуролли кучларда, Миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органлари ва қышинларида хизматни ытаётган, шунингдек, муқобил хизматни ытаётган фуқаролар;
- «Таълим тығрисида»ги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқаришда ажралган ҳолда таълим олаётган фуқаролар;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият олиб бораётган жамоат бирлашмалари ва диний муассасаларда ишлаётган фуқаролар. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат кодекси»га мувофиқ қуйидаги сабабларга кыра, вақтинчалик иш жойида былмаган фуқароларнинг иш жойи сақланиб қолади ва улар қуйидаги ҳолатларда иш билан таъминланган, деб ҳисобланадилар:
- давлат ва жамоат вазифаларини бажараётган вақтда;
- иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажарганда;
- жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилганда.

Ўзини иш билан мустақил таъминлайдиган фуқаролар тоифасига қуйидагилар киради:
- тадбиркорлар;
- фермерлар ва уларнинг ишлаб чиқаришда иштирок этаётган оила аъзолари;
- дехқон хыжалигининг ишлаб чиқаришда қатнашаётган оила аъзолари;
- кооперативларнинг аъзолари;
- ёзувчилар, рассомлар ва бошқалар.

Иқтисодий жиҳатдан фаол былган аҳоли учун, шу жумладан, ишсизлар учун иш билан таъминлаш мақомини белгилаб олиш муҳимдир. Одатда, беш мақом бор.

1. Ёлланма ходимлар – булар корхона раҳбарияти билан меҳнат фаолияти шартлари тығрисида тузилган ёзма контракт (шартнома) ёки оғзаки битим быйича ишлайдиган шахслар былиб, улар ана шу фаолият учун ёлланиш вақтида келишиб олинган иш ҳақини оладилар.

2. Якка тартиб асосида ишлайдиганлар – мустақил равишда фаолият олиб борадиган, ызларига даромад келтираётган иш билан шуғулланадиган, фақат қисқа муддатга ёлланма ходимлардан фойдаланадиган ёки фойдаланмайдиган шахслар.

3. Иш берувчилар – ызининг ҳиссадорлик жамиятини, хыжалик ширкатини ва ҳоказони бошқарадиган ёки бунинг учун давлат томонидан вакил қилинган шахслар. Иш берувчи ыз функцияларини ёлланма бошқарувчига тылиқ ёки қисман топшириб қыйиши, корхонанинг муваффақиятли ишлаши учун жавобгарликни ызида олиб қолиши мумкин.

4. Оилавий корхоналарнинг ҳақ тыланмайдиган ходимлари – қариндошига тегишли былган оилавий корхонада ҳақ олмасдан ишлайдиган ходимлардир.

5. Иш билан таъминлаш мақоми быйича таснифлашга тығри келмайдиган шахслар – илгари ызларига даромад келтирадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланмайдиган кишилар. Уларга иш билан таъминлашнинг бирон-бир мақомига мос келмайдиган шахслар ҳам киритилади.

Ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим мезони иш билан бандликка бўлган муносабатдир. Иш билан бандлик комплекс ижтимоий

сиёсатнинг ажралмас қисми деб қаралади. Иш билан бандлик муаммоларининг ижтимоийлиги унинг аввал, бошдан инсон, унинг манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги эҳтиёжларига қаратилганлиги билан белгиланади.

Иш билан бандликнинг энг кам деганда тўрт ижтимоий жиҳатини ҳисобга олиш лозим:

а) иш билан бандлик инсоннинг Конституцияда белгилаб берилган энг муҳим ҳуқуқи – меҳнат ҳуқуқи билан мустаҳкам боғлиқлиги;

б) турмуш даражаси ва муносиб ҳаёт кечириш шарт-шароитларини шакллантиришда иш билан бандлик ҳал қилувчи роль ўйнайди. Айнан иш билан бандлик, меҳнат фаоллигини ошириш, меҳнатга қобилиятли фуқаролар ва улар оилаларининг турмуш даражасини оширишнинг энг муҳим кафолати;

в) ҳар кимнинг ва умуман жамият фаровонлигининг негизи бўлган юқори унумли меҳнатнинг янги омилини шакллантириш;

г) айнан меҳнат фаолияти инсонни ўзгартиради, унинг касбий имкониятларини очиб беради ва кўпайтиради, шахснинг ривожланишини рағбатлантиради.

Ижтимоий сиёсатнинг бошқа жиҳатлари билан бирга қўшиб қаралганда иш билан бандлик ривожланишининг асосий йўналишларидан бири деб қаралиши керак. Ушбу йўналишлар миллий иқтисодиётдаги молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларини қайта гуруҳларга ажратиш, фан-техника тараққиётининг устувор йўналишлари, шунингдек ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш, турмуш сифати даражасини ошириш йўлларини белгилаб беради. Бу ғоят муҳим муаммолардан бири бўлиб, иш билан бандлик муаммоларини ҳал қилиш, бинобарин, бутун иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг муваффақияти ана шу муаммони эътироф қилиш ва ҳал этишга маълум даражада боғлиқ.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётида иш билан бандликнинг асосий хусусиятлари:

- иш билан тўлиқ ва самарали бандликни таъминлаш, бунинг учун эса аҳолининг меҳнат ресурслари балансини тузиш ва ундан самарали фойдаланиш;
- меҳнат қилишнинг ихтиёрийлиги ва меҳнат соҳасида инсон ҳуқуқлари ҳамда вазифаларининг уйғунлашуви, ходимларнинг ижтимоий боқимандалигига барҳам бериш, муносиб турмушни таъминлайдиган иш топиш имконияти учун фуқаро билан давлатнинг баравар масъулиятини таъминлаш;
- меҳнат самарадорлигини ошириш йўлида меҳнат ресурсларидан тармоқлар, соҳалар, касблар ва ҳудудлар бўйича самарали фойдаланиш ҳамда ишчи кучининг эркин ҳаракати;
- меҳнатга бўлган янгича рағбатлар асосида хусусий тадбиркорлик ва ходимларнинг юқори унумли меҳнат қилишдан кучли манфаатдорлик муҳитини яратиш;
- бозор иқтисодиёти таъсири остида намоён бўладиган салбий оқибатларни аҳоли манфаатини кўзлаб, юмшатиб бориш.

Бу хусусиятлар иш билан бандликнинг янги сифат кўрсаткичли хусусиятлари бўлиб, уларнинг шаклланишига тегишли шарт-шароитлар яратиш лозим.

Иш билан бандлик сиёсати умумдавлат (макродаража), минтақавий ва маҳаллий даражаларга эга. Иш билан бандлик сиёсатининг барча даражалари ягона

иш билан бандлик концепцияси билан бирлашган, бу концепция иқтисодий ривожланишнинг қабул қилинган типини акс эттиради.

Макродаражадаги иш билан бандлик сиёсати ижтимоий бозор иқтисодиётидаги иш билан бандликнинг асосий хусусиятларини шакллантириш: фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш ва юқори турмуш даражасига эришишнинг зарур шарти бўлган иш билан тўлиқ бандликни таъминлашга қаратилган. Маълумки, бозор иқтисодиёти бошқарув усулларида иқтисодиёт самарадорлигини ошириш, хўжалик юритиш соҳаси иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган иш ўринларини сиқиб чиқариш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва аҳолининг истеъмол талабини қондириш учун ишчи кучини қайта гуруҳларга бўлишга қаратилган. Бундай шароитда иш билан тўлиқ бандликка кўмаклашиш стратегик мақсад бўлиб қолади.

**Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. «Аҳолини иш билан таъминлаш» тушунчасини изоҳланг.
2. Кимлар иш билан таъминланган деб ҳисобланади?
3. Ўзини иш билан мустақил таъминлайдиган фуқаролар тоифасига кимлар киради?
4. Оқилона бандлик шаклланишининг барча демографик, ижтимоий, иқтисодий мезонлар қайси кырсаткичлар ёрдамида аниқланади?
5. Аҳолининг иш билан оқилона бандлигини таъминлаш муаммолари ва уларни ҳал қилиш йылларини кырсатинг.
6. “Ишсизлик”ни пайдо былишинингн асосий сабаблари?
7. Фуқарони ишсиз шахс деб эътироф этиш учун бир вақтнинг ызида қандай шартлар мавжуд былиши лозим?
8. Ривожланган мамлакатларда табиий ишсизлик даражаси қандай сабабларга кыра ортиши ва қандай тадбирлар ишсизлик табиий даражасига эришишга бевосита таъсир кырсатиши мумкин?
9. А.Оукен қонунини айтинг.
10. Мамлакатимиздаги ишсизлик муаммолари ва уларни ҳал қилиш механизмлари тушунтиринг.

**Қўлланиладиган педогогик технологиялар:** «Инсерт» услули

**Тавсия этилаётган адабиётлар**

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир/И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 34-50 б.

2. И.А.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/-Т.: Ўзбекистон, 2009.- 56 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз

тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 63-85 б.

4. “Баркамол авлод йили” Давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 20.01.2010 й. № ПҚ-1266.

5. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: MEHNAT, 2009. - 763 бет.

6.Буланов И.С.,Волгин Р.А. Рўнок труда. Учебник. - М: «Экзамен», 2007. - 479стр.

7.Холмўминов Ш.Р. Меҳнат бозори иқтисодиёти (ўқув қўлланма) -Т.:ТДИУ, 2006. -144б

8.Холмўминов Ш., Холмуротов С., Шоюсупова Н. “Меҳнат бозори иқтисодиёти” ўқув фани бўйича таълим технологияси. “Иқтисодий таълимда ўқитиш технологияси” сериясидан. –Т.: ТДИУ, 2009. 32-35 б.

## 5-мавзу. Аҳоли фаровонлигини оширишда ишсизликни камайтириш ва иш билан бандликни ошириш (4 соат)

### 1-маъруза машғулоти

1.Иш билан бандликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, мазмуни ва шакллари.

2. Аҳолини иш билан бандлигининг асосий турлари.

3.Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан бандлиги тўғрисида”ги Қонуни.

4. Иш билан бандликни оширишда давлат сиёсати.

### 2-маъруза машғулоти

1.Ишсизлик ва унинг даражаси.

2.Ишсизлик мақомини бериш тартиби.

3.Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шариоитида ишсизликнинг асосий сабаблари.

4.Ишсизлик ва у билан боғлиқ муаммолар.

**Қўлланиладиган педогогик технологиялар:** Интерактив, «6-6 техникаси» усуллари.

Аҳолини иш билан таъминлаш инсон ижтимоий ривожланишининг энг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, у меҳнат масалалари билан боғлиқ муаммоларни ҳамда

меҳнатга бўлган таклиф ва талабларни қондириш йўлларини очиб беради. Иш билан бандлик кишиларнинг иш жойлари қаердалигидан қатъи назар, ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашиш юзасидан ўзаро киришадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатларидир. Иш билан бандлик муносабатлари, меҳнатга лаёқатли кишиларнинг қанчаси ва қай даражада ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашишини кўрсатадиган ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичдир.

Аҳолининг иш билан бандлик тоифаси фақат иқтисодий компонентлар билан чекланмайди. Иш билан бандлик, аввало, ижтимоий муносабатлардир. Шу боис қандайдир азалий, бевосита юзага келган ҳодиса сифатидаги ижтимоийлик унинг асосий хусусияти ҳисобланади.

Иш билан бандлик ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида намоён бўлар экан, уни қуйидагича таърифлаш мумкин. Иш билан бандлик – фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш би-
лан боғлиқ, уларга иш ҳақи ёки меҳнат даромади келтирадиган фаолиятдир.

Иқтисодиётнинг сифат жиҳатидан олдингисидан фарқ қилувчи ҳар бир ривожланиш босқичи учун иш билан таъминлашнинг муайян модели мос келади, чунки унинг асосий хусусиятлари жамият фаолиятининг муҳим жараёнларини очиб беради.

Тажриба шуни кўрсатадики, жамият муаммолари ичида инсоннинг шахси ва талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олмасдан ҳал қилишга уриниш омадсизликка маҳкум этади. Шунинг учун аввалари олимлар иш билан бандлик муаммоларини кўриб чиқаётганларида асосан, унинг иқтисодий жиҳатларига эътибор берган бўлсалар, кейинги пайтда иш билан бандликнинг ижтимоий жиҳатлари тўғрисида тобора кўпроқ гапирилаётганлиги бежиз эмас.

Аҳолининг иш билан бандлик концепцияси жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муайян босқичидаги иш билан таъминланишнинг хусусиятини очиб берадиган қарашлар, тасаввурлар тизимидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан бандлиги тўғрисида”ги Қонуни. 13.январь 1992 йилда қабул қилинган. У тўққизта моддадан иборат бўлиб:

1 - модда. Ахолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун хужжатлари

2 - модда. Ахолини иш билан таъминлаш

3 - модда. Ишсиз деб эътироф этиш

4 - модда. Мақбул келадиган иш

5 - модда. Ахолини иш билан таъминлаш сохасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари

6 - модда. Мехнат қилиш хуқуқи кафолатлари

7 - модда. Ахолининг айрим тоифаларини ишга жойлаштиришдаги қўшимча кафолатлар

8 - модда. Қуролли Кучлардан, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини химоя қилувчи қўмита ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қўшинларидан бўшатилган шахсларни ишга жойлаштиришдаги қўшимча кафолатлар

9 - модда. Сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланган ходимларни ишга жойлаштиришдаги қўшимча кафолатлар

Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солиб борилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ушбу Қонундагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб келаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга татбиқ этилади.

Аҳолини иш билан таъминлаш:

Иш билан таъминланиш - фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятидир.

Унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият, шу жумладан ҳақ тўланадиган ишни бажаришга алоқаси бўлмаган фаолият билан шуғулланиш мутлақ ҳуқуқи фуқароларга тегишлидир.

Мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Кишиларнинг ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслиги уларни жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди.

Қуйидагилар иш билан таъминланган деб ҳисобланади:

ёлланиб ишлаётган, шу жумладан ишни тўлиқсиз иш вақтида ҳақ эвазига бажараётган касаначилик билан шуғулланаётган, шунингдек ҳақ тўланадиган бошқа ишга, шу жумладан вақтинчалик ишга эга бўлган фуқаролар; (ЎзР 21.06.2006 й. ЎРҚ-36-сон Қонуни тахриридаги хат боши)

бетоблиги, меҳнат таътилида, касбга қайта тайёрлашда, малака оширишда эканлиги, ишлаб чиқаришнинг тўхтатиб қўйилганлиги муносабати билан, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинча иш жойида бўлмаганда ходимнинг иш жойи сақланиб турадиган бошқа ҳолларда вақтинча иш жойида бўлмаган фуқаролар;

ўзини иш билан мустақил таъминлаётган фуқаролар, шу жумладан юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар, кооперативларнинг аъзолари, фермерлар ва уларнинг ишлаб чиқаришда қатнашаётган оила аъзолари;

Қуролли Кучларда, Миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органлари ва қўшинларида хизматни ўтаётган, шунингдек муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар;

таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган фуқаролар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият олиб бораётган жамоат бирлашмалари ва диний муассасаларда ишлаётган фуқаролар.

Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати қуйидаги принципларга асосланади:

меҳнат қилиш ва ишни эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишда барча фуқароларга жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи ва мансаб мавқеидан, динга муносабати, эътиқодидан, жамоат бирлашмаларига мансублигидан, шунингдек ходимларнинг ишчанлик жиҳатларига ҳамда улар меҳнатининг натижаларига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлардан қатъи назар тенг имкониятларни таъминлаш;

кишиларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларда меҳнат қилиш ва ҳаёт кечиришда муносиб шароитларни таъминлайдиган унумли ва ижодий меҳнат қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашиш;

меҳнат қилишнинг ихтиёрийлиги;

иш билан таъминланиш соҳасида ижтимоий кафолатлар бериш ва аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилишни таъминлаш;

ижтимоий ҳимояга ўта муҳтож ва иш топишда қийналаётган фуқаролар учун мавжуд иш жойларини сақлаб қолаётган ва янги иш жойларини яратаётган иш берувчиларни рағбатлантириш;

иш билан таъминлаш соҳасидаги тадбирларни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириш;

аҳолини иш билан таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишда давлат органлари, касаба уюшмалари, ходимларнинг вакиллик органлари ва иш берувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги;

аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда давлатлараро ҳамкорлик.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатлари қуйидагича ифодаланган:

Давлат:

иш билан таъминлаш турини, шу жумладан турли меҳнат режимидаги ишни танлаш эркинлигини;

ишга қабул қилишни қонунга хилоф равишда рад этишдан ва меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишдан ҳимояланишни;

мақбул келадиган иш танлаш ва ишга жойлашишга бепул ёрдам беришни;

ҳар кимга касбга ва ишга эга бўлишда, меҳнат қилиш ва иш билан таъминланиш шарт-шароитларида, меҳнатга ҳақ тўлашда, хизмат поғонасидан юқорилаб боришда тенг имкониятлар яратишни;

янги касбга (мутахассисликка) бепул ўқитишни, маҳаллий меҳнат органларида ёки уларнинг йўлланмаси билан бошқа ўқув юртларида стипендия тўлаб малакасини оширишни;

бошқа жойдаги ишга қабул қилинганда сарф қилинган моддий харажатлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўлашни;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун муддатли меҳнат шартномалари тузиш имкониятини кафолатлайди.

Эркин бозор иқслоҳотлари шароитида баъзи ишлаб чиқариш корхоналари ўз фаолиятини тўхтатишга ёки банкрот деб эълон қилинишга мажбур бўлади. Ушбу ҳолатлар қуйидаги муаммолар оқибатида юзага келади:

- ишлаб чиқариш воситаларининг эскирганлиги ва тўла қувватларда ишлай олмаслиги;
- фаолиятда замонавий фан-техника ютуқларини қўлламаслик ва ахборот технологияларидан етарлича фойдаланмаслик;
- бозорда рақобатбардош эмаслиги ва бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера олмаслик;
- хорижий хамкорларни жалб этиш орқали ишлаб чиқаришга хориж инвестициясини киритиш суръатининг пастлиги;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг харидоргир эмаслиги ва сотув ҳажмининг камлиги;
- корхона раҳбар ходимлари малакасининг пастлиги ва бошқарувнинг самарасизлиги.

Корхоналар банкротлиги натижасида уларда фаолият юритаётган ходимларнинг ишсиз қолишлари ва меҳнат даромадига эга бўлмасликлари кузатилади. Бу эса мамлакатда яширин ва таркибий ишсизликни авж олдиради.

**Ўз иш жойини йўқотган ва ишсизга айланган фуқаролар меҳнат бозорида ишчи кучи сифатида намоён бўлиши ва ўз меҳнатларини таклиф қилиши республикада ишчи кучи таклифнинг унга бўлган талабдан ошиб кетишига олиб келди. Натижада мазкур бозор мураккаб кўриниш олиб, таклифнинг қондирилмаслиги вужудга келди. Бу ҳолатлар «норасмий меҳнат бозори» ва «норасмий тармоқда иш билан бандлик» тушунчаларининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Чунки, ишдан бўшатилган ва иш жойини йўқотиб қўйганларнинг аксарият қисми малакасиз ходимлар бўлиб, улар бозор иқтисодиёти шароитида иш берувчилар талабига жавоб бера олмасди. Ишлашни хоҳловчи малакасиз ишчилар вақтинчалик ва бир марталик ишларни бажариш мақсадида норасмий меҳнат бозори (мардикор бозори)ни ташкил этишди ва мазкур бозор орқалигина ўзларини иш билан таъминлаб, меҳнат даромадларига эга бўлишди. Шу билан бирга озгина бўлса-да, сармояга эга бўлган аҳоли норасмий тарзда тадбиркорлик фаолияти (бозор ва бозор атрофи ҳудудларда олиб-сотарлик, хизмат кўрсатиш, уй цехлари) ёки шахсий ёрдамчи хўжалиги билан шуғулланиш орқали даромад топа бошладилар. Бундан ташқари юқори миқдордаги иш ҳақига эга бўлиш мақсадида айрим фуқаролар хорижий мамлакатларга йўл олдилар. Ушбу**

**ҳолатлар норасмий тармоқда иш билан бандликни вужудга келтирди. Норасмий иш билан бандлик эса пул маблағларининг банкдан ташқари айланмаси ҳамда яширин иқтисодиётнинг авж олишига таъсир қилувчи асосий омилдир.**

Иқтисодиётнинг норасмий тармоғида иш билан банд бўлган аҳоли улушида номуайян, вақтинчалик ва бир марталик ишларни бажараётган фуқаролар ҳиссаси юқори бўлиб, улар асосан ўзгаларнинг хўжаликларига ёрдамлашиш, уй юмушларини бажариш, ҳосилни йиғиб-териш ва саралаш, уй-жой қуриш ва таъмирлаш, маҳсулотларни етказиб бериш, юкларни ташиш ва тушириш, ҳовли ва ҳудуд майдонларини тозалаш каби ишларни амалга оширадилар.

Республикада ишсизликнинг вужудга келиши, унинг нисбатан юқори даражада сақланиб туриши ва аҳолининг иш билан бандлигида иқтисодиётнинг норасмий тармоғи улушининг ортиб боришига сабаб бўлган асосий муаммолардан бири сифатида мамлакатда ишчи кучига талаб ва таклифнинг сифат ва миқдор жиҳатдан номутаносиблигини келтириш мумкин. Чунки, бугунги кунда ишсиз аҳолининг катта қисмини малакасиз ходимлар ва меҳнат бозорига биринчи марта чиқаётган ёшлар ташкил этмоқда. Иқтисодиёт тармоқларида ишчи кучига бўлган талабни малакали ва иш тажрибасига эга бўлган кадрларга эҳтиёж ташкил этмоқда.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1.“Ишсизлик”ни пайдо былишинингн асосий сабаблари?

2.Фуқарони ишсиз шахс деб эътироф этиш учун бир вақтнинг ызида қандай шартлар мавжуд былиши лозим?

3.Ривожланган мамлакатларда табиий ишсизлик даражаси қандай сабабларга кыра ортиши ва қандай тадбирлар ишсизлик табиий даражасига эришишга бевосита таъсир кырсатиши мумкин?

4.А.Оукен қонунини айтинг.

5.Мамлакатимиздаги ишсизлик муаммолари ва уларни ҳал қилиш механизмлари тушунтиринг.

6.Жаҳон молиявий иқтисодий ирқирози шароитида ишсизликни олдини олиш йўлларини айтинг.

7.Ўзбекистонда ишсизлик ысишининг асосий сабаби нима?

8.Республикамизда ишсизликнинг пайдо былиш сабабларига кыра, қандай асосий турларини биласиз?

## Тавсия этилаётган адабиётлар

1. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: MEHNAT, 2009. –480-535 б.

2.Буланова В.С. и др Рўнок труда. Учебник. Изательство: Экзамен, 2006. -

342с.
3.Волгин Н.А. Рўнок труда. Издательство: Экзамен, 2006.
4.Кязимов К. Рўнок труда и занятость населения: Учебное пособие. Издательство: Перспектива, 2008. -368с.
5.Шлендер П.Э. Рўнок труда: Учебное пособие для вузов Издательство: М: Вузовский учебник /ВЗФЭИ, 2006. -208с.
6. “Меҳнат бозори ва бандлик мониторинги”. Ҳар чораклик статистик бюллетень. Т.: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, 2009.
7.Социальное развитие и уровень жизни населения Узбекистана 2008. Статистический сборник. Т.: Государственнўй комитет Республики Узбекистан по статистике, 2009.
8.Холмўминов Ш., Холмуротов С., Шоюсупова Н. “Меҳнат бозори иқтисодиёти” ўқув фани бўйича таълим технологияси. “Иқтисодий таълимда ўқитиш технологияси” сериясидан. –Т.: ТДИУ, 2009. 42-55 б.

## 6-мавзу: Корхонада меҳнат унумдорлиги: таҳлил қилиш, режалаштириш ва мониторинг ўтказиш. (4 соат)

1-маъруза машғулоти

1. Корхонада меҳнат унумдорлигини таҳлил қилиш, режалаштириш ва мониторинг ўтказишнинг аҳамияти
2. Миллий иқтисодиётнинг турли мулкчилик формаларидаги корхоналарда меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларининг комплекс таҳлил этишнинг методлари ва босқичлари
3. Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини комплекс таҳлил этишнинг ютуқлари, камчиликлари ва муаммолари.

**2-маъруза машғулоти**

1. Иш вақтидан фойдаланишни таҳлил этишнинг аҳамияти
2. Иш вақтидан фойдаланишнинг регрессион таҳлили
3. Хронометраж ва фотография ўтказишнинг ютуқлари, камчиликлари, муаммолари ҳамда уларни бартараф этиш йўллари.

**Қўлланиладиган педогогик технологиялар:** “Пинборт”,“Инсерт” усуллари.

Корхонада меҳнат унумдорлигини таҳлил қилиш, режалаштириш ва мониторинг ыткaзиш муҳим аҳамият касб этади. Меҳнат унумдорлиги даражасига баҳо бериш учун умумлаштирувчи, хусусий ва ёрдамчи кырсаткичлар тизими қылланилади. Умумлаштирувчи кырсаткичларга битта ишчининг ишлаб чиқарган ыртача йиллик, ыртача кунлик ва ыртача соатлик маҳсулоти, шунингдек, битта ишловчи тығри келадиган ыртача йиллик

маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қиймат ифодаси киради.

Хусусий кырсаткичлар бу муайян турдаги маҳсулот бирлигининг ишлаб чиқариш учун вақт сарфи (маҳсулотнинг сермеҳнатлилиги) ёки бир киши кунда ёхуд бир киши – соатда муайян турдаги натурал маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган вақт. Ёрдамчи кырсаткичлар муайян иш турининг бирлигига ёки вақт бирлиги ичида бажарилган ишлар ҳажмига сарфланган вақтни тавсифлаб беради.

Меҳнат унумдорлигини ўлчаш мураккаб вазифа бўлиб, бунга бир томондан, унумдорлик категориясининг кўпқирралилиги, унинг динамикаси кўп сонли ўсиш омилларига (бевосита ва билвосита, корхона томонидан бўлган ва ундан ташқарида бўлган омилларга) боғлиқлиги, иккинчи томондан эса, унумдорликни фаолиятнинг бошқа муҳим иқтисодий кўрсаткичлари билан боғлаш талаби сабаб бўлади. 70-80-йиллар меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш усулини такомиллаштириш соҳасидаги ишлар икки йўналишда олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 114 - «Иш вақти тушунчаси» моддасида, «Ходим иш тартиби ёки графигига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ыз меҳнат вазифаларини бажариш лозим былган вақт иш вақти ҳисобланади», деб ёзилган. Ундан ташқари шу кодекснинг 115 - «Иш вақтининг нормал муддати» моддасида «Ходим учун иш вақтининг нормал мудати ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ былиши мумкин эмас», деб ҳам кырсатилган. Шу моддада «Олти кунлик иш ҳафтасидаҳар кунлик ишнинг муддати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ортиб кетмаслиги лозим», деб қайд этилган. Шундай экан, иш вақти деганимизда қонун билан белгиланган маълум вақт бирлиги тушунилади. Белгиланган вақт бирлиги давомида корхона ва ташкилотларда ходимлар ызлари учун белгиланган иш ва вазифаларни бажарадилар. Корхоналарда муайян бир буюмни ишлаб чиқариш учун унга сарфланадиган ҳақиқий вақт нормасини ёки маҳсулот ишлаб чиқариш нормасини белгилаш керак. Бунинг учун уни бажаришга қанча иш вақти талаб қилинишини ырганиш ва аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Меҳнатни ташкил этиш ва нормалаш нуқтаи назаридан ишлаб чиқариш жараёнини тайёрланаётган маҳсулотга, кырсатилаётган хизматга кетадиган вақт сарфини кыпайтириш жараёни сифатида қараш мумкин. Шу муносабат билан меҳнат нормаларини ҳисоблаганда туғиладиган дастлабки савол шундан иборат быладики, қайси иш вақти сарфлари зарурий ҳисобланади ва меҳнат нормасига қышилиши шарт. Ундан ташқари, корхонадаги ходимлар ва жиҳозларнинг иш вақти фондларидан самарали фойдаланиш даражаларини аниқлаш ҳам ыта муҳим аҳамият касб этади. Бу масалаларнинг ижобий ечими, биринчи навбатда, иш вақти сарфининг таснифи ёрдамида топилади. Шу асосда вақт нормаси таркиби ва ундан самарали фойдаланиш ҳолати ҳам таҳлил этилади.

Хронометражнинг асосий вазифаси унинг (операциянинг) мақсадга мувофиқ таркибини аниқлаш ва лойиҳалаштириш ҳамда ҳар бир элементини бажариш учун зарур былган вақтни ҳисоблаш мақсадида, ырганилаётган операция элементларига сарфланадиган вақт миқдорига таъсир этувчи омилларни аниқлашдан иборат

Хронометраж асосан қуйидаги мақсадлар учун ытказилади: а) операциянинг кып марталаб такрорланадиган иш усулларига ва машина қыл элементларига вақт нормаларини белгилаб бериш учун; б) ҳар бир конкрет операцияни бажаришга сарфланадиган ҳақиқий оператив иш вақти миқдорини аниқлаш учун; в) ҳар бир конкрет операцияни бажаришга сарфланиши зарур былган вақтнинг режалаштирилган миқдорини аниқлаш учун; г) меҳнат нормаларини бажарилмаслик ёки юқори даражада бажариш сабабларини аниқлаш учун; д) илғор иш усул ва услубларини аниқлаш, уларни ырганиш, умумлаштириш ва амалиётга татбиқ қилиш; е) катта серияли ва оммавий ишлаб чиқариш турлари (типлари) учун мылжалланган аналитик ҳисоблаш услуби ёрдамида аниқланган меҳнат нормаларини текшириш ва уларга тузатишлар киритиш учун; ж) танланган операциядаги ортиқча (кераксиз), оқилона бажарилмайдиган усул ваҳаракатларни аниқлаш ва уларни йықотишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳ.к.лар учун.

Амалиётда хронометражнинг **узлуксиз, ёки танлаб, узлукли, циклли ва махсус турлари** мавжуд.

**Узлуксиз хронометраж** қуйидаги ҳолларда қылланилади. Аниқ операциянинг ҳамма былаклари (элементлари) вақт сарфлари миқдорларини аниқлашга зарурият туғилганда ва ниҳоят, операция элементларининг вақт сарфлари миқдори 10 секунддан кып былганда.

**Узлукли хронометраж** қуйидаги ҳолларда қылланилади, яъни аниқ операциянинг айрим элементлари кыпроқ қайтариладиганини, мураккаб, вақт миқдори жуда кып былганларини вақт сарфи миқдорини аниқлаш учун; танланган операция унча кып элементлардан иборат былмаганда ва ниҳоят, операция элементларининг вақт сарфлари миқдори 3 секунддан кам былмаганда; шунингдек, операциянинг айрим элементлари быйича хронометраж нотығри ытказилган деб топилганда.

Операциянинг айрим элементлари, айниқса, вақт сарфлари миқдори 2 секунддан кам былган ҳолларда, узлуксиз ёки узлукли хронометраж орқали кузатилганда, уларнинг вақт сарфлари миқдорини секундомер орқали тығри ылчаш анча мураккаб. Бундай ҳолларда, хронометражнинг махсус тури – **циклли хронометраж** қылланилади. Хронометражнинг бу тури одатдаги, узлукли туридан шу билан фарқ қиладики, бунда иш вақти сарфини кузатув давомида танланган операциянинг нафақат айрим қисқа муддатли элементлари (усул, ҳаракат, қимирлаш) таркиби, балки миқдори ҳам ҳар хил элементлардан иборат былган бир неча гуруҳларга бирлаштирилиб, ундан кейин ыша гуруҳларнинг вақт сарфи давомийлиги кузатилади.

Ишлаб чиқариш, хизматлар кырсатиш амалиётида нафақат ҳақиқий ва режалаштирилган оператив иш вақти сарфларини аниқлаш, балки тайёрлов-якунлов, иш жойларига хизмат кырсатиш каби иш вақти турларининг ҳам ҳақиқий режалаштирилган миқдорини ҳисоблаш билан боғлиқ былган заруриятлар учраб туради. Бундай ҳолларда тайёрлов-якунлов, иш жойига хизмат кырсатиш вақти сарфлари хронометраж орқали кузатилади. Ўз навбатида, хронометражнинг бундай тури ҳам **махсус хронометраж**, деб аталади.

Меҳнатни ташкил этиш ва нормалаш соҳасидаги амалий ишда бевосита иш ёки хизмат кырсатиш жойида, иш вақтини ырганиш-кузатиш муҳим аҳамиятга эга.

**Иш вақти сарфларини кузатишдан асосий мақсад қуйидагилардир:**

- **айрим ишларни, хизматларни, операцияларни ва операция былаклари (элементлари) бажариш учун ҳақиқатда сарфланадиган иш вақти миқдорини ырганиш, ишлаб чиқариш ёки хизматлар кырсатиш билан банд былган ходимлар томонидан қылланиладиган илғор усул ва услубларни излаб топиш, ырганиш, таҳлил этиш ва уларни амалиётга жорий қилиш;**
- **самарали ишлашнинг ёки хизмат кырсатишнинг энг яхши усул, услубларини, тартибларини, шунингдек, иш вақтидан унумсиз фойдаланиш сабабларини аниқлаш;**
- **операцияларнинг айрим былаклари (элементлари) бажаришда энг мақбул изчилликни аниқлаш;**
- **ишлаб чиқариш, хизматлар кырсатиш корхоналарида ички меҳнат тақсимоти, потокли ишлаб чиқаришда ва кып жиҳозга, иш жойига хизмат кырсатишда меҳнатни ташкил этиш ва уни режалаштириш учун зарур ва етарли миқдорда маълумотлар олиш;**
- **ишлаб чиқаришда, хизматлар кырсатишда иш вақтининг зое кетиш сабабларини ва меҳнат самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш;**
- **меҳнат нормаларини бажарганлик ёки бажармаслик сабабларини аниқлаш;**
- **иш вақтидан самарали фойдаланиш ва меҳнат самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш ва ҳ.к.**

**Демак, иш вақти сарфини кузатишга меҳнат самарадорлигини ошириш омили сифатида қарашимиз керак. Бу асосий масала былиб, мана шу ҳол корхоналарда кузатиш йыли билан иш вақти сарфини ырганишнинг мазмунини ва амалиётини ташкил этади.**

**Иш вақти фотографияси кузатиш объектларига қараб учга былади:**

- **иш вақти фотографияси – бу, ижрочи вақтининг сарфланишини кузатиш;**
- **ускуналардан фойдаланиш фотографияси – бу, машиналар, жиҳозлар, агрегатларнинг ишлаш ва бекор туриш вақтларини кузатиш;**
- **ишлаб чиқариш жараёни фотографияси – бу, ижрочи ишини ва хизмат кырсатиётган ускуналар, жиҳозлар ишини бир вақтнинг ызида кузатиш.**

**Бир вақтда кузатиладиган объектлар сони қанчалигига қараб иш вақти фотографияси индивидуал, гуруҳли ва бригадали турларга былинади.**

**Меҳнатни нормалашда иккита кузатув услубидан: иш вақтини бевосита ылчаш ва иш вақтини кузатишнинг моментлик услубларидан фойдаланилади.**

**Иш вақти сарфини бевосита ылчаш услубининг ижобий томонлари: меҳнат жараёнларини ва жиҳозлардан фойдаланишни батафсил ырганишга ва ҳар бир ишни, хизмат турини бажариш усул ва услублари, уларнинг элементларини бажариш тартиблари ва ниҳоят, ҳар бир турдаги вақт сарфига кетган вақт миқдори тығрисида етарли маълумотлар олишга имконият яратади. Ундан ташқари, иш вақти сарфларининг ыртача миқдорини ва шу иш вақти турларининг иш куни(смена) давомидаги ҳақиқий иш куни балансидаги аҳамиятини ва салмоғини аниқлашга ҳам катта ёрдам беради.**

**Иш вақти сарфини бевосита ылчаш услубининг камчиликлари: а) кузатиш жараёнини ташкил этиш узоқ муддатни ва кузатиш натижасида олинган маълумотларни таҳлил этиш, уларга ишлов бериш кып меҳнат сарфини талаб қилади; б) битта кузатувчи томонидан катта гуруҳдаги ходимларнинг иш фаолиятини ва жиҳозларнинг ишлаш жараёнларини кузатиб былмайди.**

**Иш вақти кузатуви моментли услубининг ижобий ва салбий томонлари ушбу масалага тегишли махсус параграфда батафсил ёритилади.**

**Иш вақти сарфини кузатишнинг визуал услубида кузатувчи вақтни ылчайдиган приборларнинг (соатни, секундомерни ва ҳ.к.) кырсатишига қараб олинган натижаларни қылда ёзиб боради.**

**Иш вақти сарфини кузатишнинг автоматик услубида кузатиш натижаларини махсус қурилма орқали кино тасмага, ёруғликни яхши сезадиган қоғозга, магнит тасмага ва оддий қоғозга, кузатувчини иштирок эттирмасдан, қайд қилинади, яъни рыйхатга олинади.**

Ҳар бир ходимнинг иш куни (смена) давомидаги ҳақиқий иш вақти сарфларининг тыла аксини, миқдорини билиш учун шундай кузатиш усулини танлаш керакки, унда у ёки бу турдаги меҳнат жараёнини бажараётган ходим

унинг вақтини кузатиш учун махсус ажратилган тадқиқотчини кырмасин. Ўз навбатида, бундай тадқиқот (кузатиш) иш вақтини кузатишнинг масофали услуби, деб номланади. Бу услуб асосан саноат телевиденияси ёрдамида амалга оширилади.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Корхонада меҳнат унумдорлигини таҳлил қилиш, режалаштириш ва мониторинг ытказишнинг аҳамияти нимада?
2. Иш вақтидан фойдаланишни таҳлил этишнинг аҳамияти қандай?
3. Иш вақтидан фойдаланишнинг регрессион таҳлилини тушунтиринг.
4. Хронометраж нима ва у қандай мақсадлар учун ытказилади?
5. Хронометражнинг қандай турлари мавжуд ва улар қандай ҳолларда қылланилади?
6. Иш вақти сарфларини кузатишдан асосий мақсад нима?
7. Иш вақти сарфини бевосита ылчаш услубининг ижобий томонлари ва камчиликлари кырсатинг.
8. Корхонада меҳнат унумдорлигини ошириш заҳираларининг таҳлили ва мониторингини тушунтиринг.
9. Меҳнат унумдорлигини оширишга қандай йыл билан эришиш мумкин?

### Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: MEHNAT, 2009. - 763 бет.

2. Абдураҳмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р., Зокирова Н.К. Персонални бошқариш. Дарслик. -Т.: OQITUVCHI, 2008. - 656 бет.

3.Мумладзе Р.Г. Экономика и социология труда. Учебник. - М.: КНОРУС, 2007. – 328 стр.

4. Кибанов А.Я. Экономика и социология труда. Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2010. – 548 стр.

5. Одегов Ю.Г.и др. Экономика труда: Учебник. В 2 т. Т. 1. – М.: «Альфа-Пресс», 2007. – 760 стр.

6. Одегов Ю.Г. и др. Экономика труда: Учебник. В 2 т. Т. 2. – М.: «Альфа-Пресс», 2007. – 924 стр..

## 7-мавзу. Корхонанинг иш ҳақи тизими: тахлил қилиш, режалаштириш ва прогнозлаштириш (4 соат)

### 1-маъруза машғулоти

1. Иш ҳақи тизимини шаклланиши, функциялари ва элементлари
2. Иш ҳақини ташкил этишнинг асосий тамойиллари
3. Иш ҳақи тўлашнинг прогрессив усулларини қўллаш ва уларни самарадорлиги
4. . Иш ҳақи тўлаш тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари

## 2-маъруза машғулоти

1. Корхонада иш ҳақи тизимини таҳлилининг назарий асослари
2. Корхонада иш ҳақи фонди сарфланишининг таҳлили
3. Иш ҳақи фондини иқтисод қилиниши ва кўп сарфланиш муаммолари
4. Асосий иш натижалари учун рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини аниқлаш

**Қўлланиладиган педогогик технологиялар:** “Пинборт”,“Инсерт” усуллари

***Иш ҳақи – ёлланма ходим даромадининг элементи, унга тегишли ишчи кучига былган мулкчилик ҳуқуқини иқтисодий жиҳатдан рыёбга чиқариш шаклидир.*** **Шу билан бирга иш берувчи учун ёлланма ходимлар меҳнатига тўланадиган ҳақ ишлаб чиқариш харажатларининг элементларидан бири ҳисобланади. Иш берувчи меҳнат ресурсларидан ишлаб чиқариш омилларидан бири сифатида фойдаланиш учун уни харид қилади.**

**Меҳнат ресурсини сотишдан олинадиган даромадни кўпайтиришнинг яна бир варианти –** ***таклиф этиладиган ресурс сифатини ошириш*** **(маҳоратни, малакани ошириш, қўшимча ўқитиш)дир. Бироқ бу имконият ҳам чекланган, чунки у қўшимча вақт ва маблағ сарфлашни (“инсон капитали”га инвестицияларни) талаб қилади. Бундан ташқари, таълимнинг бошланғич даражаси, қобилият, бўш вақтнинг йўқлиги ва шу кабилар ҳам чекловчи омиллар бўлиб хизмат қилади.**

**Демак, ўз меҳнат ресурсидан олинадиган даромадни кўпайтириш манбаи ресурс нархини – иш ҳақи ставкасини оширишдир. Унинг пастки чегараси ёлланма ходимнинг иқтисодий манфаатлари билан белгиланади. Ўз навбатида, иш берувчи ишлаб чиқаришнинг умумий харажатлари, шу жумладан, ишлатиладиган ресурсларнинг нархини янада пастроқ қилиб белгилашдан манфаатдордир. Унинг иқтисодий манфаати – меҳнатга сарфланадиган харажатларнинг қисқариши - иш ҳақи ставкасининг юқори чегарасини белилаб беради ёки тўхтатиб туради. Меҳнат бозори субъектларининг иқтисодий манфаатлари мувозанатини ҳисобга олган ҳолда талаб ва таклиф нисбатларининг таъсири остида мазкур сифатга эга бўлган меҳнат бирлигининг бозор нархи вужудга келади.**

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг тавсиясида айтилишича, энг кам миқдордаги иш ҳақини белгилашнинг асосий мақсади ёлланиб ишлаётган шахсларга энг кам миқдорда йўл қўйиладиган иш ҳақи даражасига нисбатан зарур ижтимоий ҳимоя берилиши лозимлигидир. Энг кам иш ҳақи миқдорининг белгиланиши турли йўллар билан амалга оширилиши мумкин. Масалан, Ўзбекистонда энг кам миқдордаги иш ҳақи тўғрисида қонун чиқарувчи орган томонидан махсус қонуннинг қабул қилиниши билан амалга оширилиши, у турли шаклларда: ойлик ёки соатбай энг кам иш ҳақи ставкаси

тарзида белгиланиши мумкин.

Шундай қилиб, иш ҳақини тартибга солиш механизмида бошланғич база сифатида унинг энг кам миқдори намоён бўлади. У оддий, кам малакали меҳнат билан банд бўлган ходимларнинг такрор ҳосил қилиниши учун нормал шарт-шароитлар яратиши лозим. Давлат, иш берувчилар ва касаба уюшмаларининг асосланган энг кам миқдордаги иш ҳақини белгилаш соҳасидаги сиёсатида амал қиладиган мезонлар орасида асосийси меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларининг эҳтиёжи ҳисобланади. Энг кам миқдордаги иш ҳақи иш кучининг жисмоний фаоллигини қўллаб-кувватлаб қолмасдан, шу билан бирга унинг меҳнат қилиш қобилиятини тиклаши ва ривожлантириши учун истеъмол саватчасига мувофиқ келиши лозим. Бу саватча энг зарур маҳсулотлар, товарлар ва хизматлар турини ўз ичига олади. Энг кам иш ҳақи фақат алоҳида олинган ходимни эмас, балки унинг вояга етмаган оиласи аъзолари ҳам қайта ҳосил қилиниши (тикланиши)ни таъмин этиши керак. Бу ўлчовнинг миқдорий ноаниқлиги мамлакатда ишлаб чиқилаётган ижтимоий тўловлар миқдорига боғлиқдир.

Энг кам иш ҳақи миқдорини асослашда ҳисобга олиниши лозим бўлган омиллардан бири унинг меҳнатга тўланадиган ҳақнинг ўртача даражасига нисбатидир.

**Иш ҳақининг моҳияти унинг ижтимоий ишлаб чиқариш босқичлари бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш, уни тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол қилишда бажарадиган функциялари (вазифалари)да намоён бўлади.**

**1. Такрор ишлаб чиқариш функцияси. У ходимларни, шунингдек, уларнинг оила аъзоларини иш кучини такрор ишлаб чиқариш учун, авлодларни қайта кўпайтириш учун зарур бўладиган ҳаётий неъматлар билан таъминлашда иборат. Унда эҳтиёжларнинг ортиб боришидан иборат иқтисодий қонун ўз ифодасини топади. Мазкур функция иш ҳақининг давлат томонидан тартибга солиниши хусусиятлари, иш ҳақининг иш кучини такрор ишлаб чиқаришни таъмин этадиган миқдорини қонуний даражада белгилаш билан узвий боғлиқдир.**

**2. Рағбатлантириш функцияси. Унинг моҳияти ходимнинг иш ҳақи унинг қўшган меҳнат ҳиссасига, корхонанинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти натижаларига боғлиқлигини белгилашдан иборат бўлиб, бунда ходимни ўз меҳнати натижаларини доимий равишда яхшилаб боришга қизиқтириши лозим.**

**3. Ўлчов-тақсимлаш функцияси. Бу функция истеъмол фондларини ёлланма ходим билан ишлаб чиқариш воситалари эгаси ўртасида тақсимлаш вақтида жонли меҳнат ўлчовини акс эттириш учун мўлжалланган. Иш ҳақи воситасида ишлаб чиқариш жараёни ҳар бир иштирокчисининг меҳнат ҳиссасига мувофиқ унинг истеъмол фондидаги алоҳида улуши аниқланади.**

**4. Жойлаштириш функцияси. Мазкур функциянинг ҳозирги вақтдаги**

**аҳамияти жиддий равишда ошиб бормоқда. Унинг моҳияти меҳнат ресурсларини минтақалар, иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналар бўйича қулай равишда жойлаштиришдан иборатдир.**

5. Аҳолининг тўловга қобил талабини шакллантириш функцияси. Бу функциянинг вазифаси тўловга қобилиятли талабни мувофиқлаштиришдир. Бундай талаб деганда, харидорларнинг пул маблағлари билан таъминланган эҳтиёжларининг намоён бўлиш шакли тушунилади, шунингдек, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳам назарда тутилади. Тўловга қобилиятли талаб иккита асосий омил – жамиятнинг эҳтиёжлари ва даромадлари таъсирида шаклланиши сабабли, бозор шароитида иш ҳақи ёрдамида товарни таклиф қилиш билан талаб ўртасида зарур мутаносиблик ўрнатилади.

Корхонадаги меҳнат ресурсларидан фойдаланишни, меҳнат унумдорлиги даражасини таҳлил қилишни меҳнатга ҳақ тылаш билан чамбарчас боғлиқ равишда қараб чиқиш лозим. Меҳнат унумдорлигининг ортиши билан унга ҳақ тылаш даражасини ошириш учун реал шарт—шароитлар яратилади. Бунда меҳнатга ҳақ тылаш маблағларидан шундай фойдаланиш керакки, токи меҳнат унумдорлигининг ысиш суръатлари унга ҳақ тылашнинг ысиш суръатларидан ызиб кетсин. Фақат ана шундай шароитдагина кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш суръатларини авж олдириш учун имконият яратилади.

Шу сабабли ҳар бир корхонада меҳнатга ҳақ тылаш маблағларидан фойдаланишни таҳлил қилиш катта аҳамият касб этади. Бу жараёнда иш ҳақи жамғармасидан фойдаланишни (меҳнатга ҳақ тылашни) мунтазам равишда назорат қилишни амалга ошириш, меҳнат унумдорлигининг ысиши ва маҳсулотга меҳнат сарфлашни қисқартириш ҳисобига маблағларни тежаш имкониятларини аниқлаш зарур.

Иш ҳақи жамғармаси статистика органларининг амалдаги йырикномасига мувофиқ, корхонанинг жорий харажатларига ажратилган меҳнатга ҳақ тылаш жамғармасининг ызини эмас, шу билан бирга, ижтимоий ҳимоя маблағлари ҳисобига кирадаган тыловларни ҳам, корхона ихтиёрида қолган соф фойдани ҳам ыз ичига олади.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Иш ҳақи тизимини шаклланиши ҳақида нималар биласиз?
2. Унинг функциялари ва элементлари ҳақида гапиринг.
3. Иш ҳақини ташкил этишнинг асосий тамойиллари нималардан иборат?
4. Иш ҳақи тылашнинг прогрессив усулларини қыллаш ва уларни самарадорлигини қандай тушунасиз?
5. Корхонада иш ҳақи тизимини таҳлилининг қандай назарий асослари мавжуд?
6. Корхонада иш ҳақи фонди сарфланишининг таҳлилини тушунтиринг.
7. Иш ҳақи фондининг қандай иқтисод қилиниши ва кып сарфланиш муаммоларини биласиз?

8. Асосий иш натижалари учун рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқишни ва унинг самарадорлигини аниқланг.

**Тавсия этиладиган адабиётлар**


1. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: MEHNAT, 2009. –480-535 б.

2.Волгин Н.А. Оплата труда: производство, социальная сфера, государственная служба. Анализ, проблемў, решения. Издательство: Экзамен, 2008.-254 с.

3. Кибанов А.Я. Экономика и социология труда. Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2010. – 548 стр.

4.Мумладзе Р.Г. Экономика и социология труда. Учебник. - М.: КНОРУС, 2007. – 328 стр.

5. Рязанцев Д. Зарплата и кадрў. Секретў работў. –СПб.: БХВ-Петербург, 2007. -89-96 с.

6. Хендерсон Р.И. Компенсационнўй менеджмент: стратегия и тактика формирования заработной платў и других вўплат М.: 2008, 149-150 б.

7.Шоюсупова Н.Т., «Меҳнат иктисодиёти:ижтимоий-меҳнат муносабатлари» фани бўйича таълим технологияси. –Т; ТДИУ, 2009


## 8-мавзу. Аҳоли фаровонлигини оширишда аҳолининг турмуш даражаси ва даромадлари ошириш ва уларни давлат томонидан тартибга солиш (4 соат)

### 1-маъруза машғулоти

1. Аҳоли даромадлари ва уларни тақсимланиши бўйича назарий қарашлар.
2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида халқ фаровонлиги ва турмуш сифатини яхшилаш.
3. Аҳоли турмуш даражасининг кўрсаткичлари.
4. Аҳоли даромадлари ва уларни шаклланиш манбалари.

### 2-маъруза машғулоти

1. Кам таъминланган аҳолининг даромадлари ва уларни ошириш манбалари.
2. Қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва уларни ошириш йўналишлари.
3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида аҳоли даромадларини давлат томонидан тартибга солишнинг механизмлари.
4. Аҳоли даромадларини оширишнинг муаммолари ва уларни ечимлари.

**Қўлланиладиган педогогик технологиялар:** “Каскад” схемаси, «Кучлар таҳлили” графиги.

**Аҳолининг фаровонлик даражасини ифодалаш учун "турмуш даражаси", "халқ фаровонлиги", "турмуш фаолияти хавфсизлиги",**

**"турмуш тарзи", "меҳнат фаолияти сифати", "турмуш сифати" каби турли хил тушунчалар қылланилади. Баъзан турли атамалар бир мазмунни англатса, бошқа ҳолларда улар ыртасидаги фарқ муайян характер касб этади, мазмуни сезиларли даражада фарқ қилади. Шу билан бирга, мазкур тушунчаларнинг ызаро боғлиқлигини қайд этиш лозим.**

Ўзбекистонда аҳолининг моддий, маънавий, ижтимоий эҳтиёжлари қондирилиш даражасини ифодалайдиган "турмуш даражаси" атамаси кенгроқ қылланилади. Бундай тавсиф кыпроқ турмуш даражаси статистикасини характерлайди. Шу билан бирга турмуш даражаси – кыплаб омиллар йиғиндиси таъсирида былган ызгарувчан жараёндир. Турмуш даражаси бир томондан, мунтазам ызгариб турадиган, турли неъматларга былган эҳтиёжларнинг таркиби ва даражаси билан, бошқа томондан, эҳтиёжни қондириш имкониятлари, товарлар ва хизматлар бозоридаги ҳолат, аҳоли даромадлари, меҳнаткашларнинг иш ҳақи билан белгиланади. Аммо иш ҳақи миқдори ҳам, турмуш даражаси ҳам ишлаб чиқариш ва хизмат кырсатиш соҳалари самарадорлигининг кылами, илмий-техник тараққиёт даражаси, аҳолининг маданий-маърифий савияси ва таркиби, миллий хусусиятлар, сиёсий ҳокимиятга боғлиқ

**Хусусий кырсаткичлардан 1)**истеъмол даражаси ва усуллари; **2)**меҳнат шароитлари; **3)** тураржой таъминоти ва маиший қулайликлар; **4)**ижтимоий-маданий хизмат кырсатиш даражаси; **5)**болаларни тарбиялаш шароитлари; **6)**ижтимоий таъминот ва бошқаларни келтириб ытиш мумкин. Мазкур кырсаткичлар ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ, аммо аҳоли (меҳнаткашлар)нинг маълум гуруҳлари, ҳудуд ва бошқалар быйича аниқлаштирилган.

**Иқтисодий кырсаткичлар** инсон ва жамият ҳаётининг иқтисодий жиҳатларини, эҳтиёжни қондиришнинг иқтисодий имкониятларини ифодалайди. Жамият иқтисодий тараққиёти ва ҳар бир инсоннинг фаровонлиги (номинал ва ҳақиқий даромадлар, иш билан бандлик ва бошқалар) даражасини акс эттирувчи кырсаткичлар иқтисодий кырсаткичлар сирасига киритилади. Бу кырсаткичлар ишчи кучини (аҳолини) такрор ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқ былиб, унинг иқтисодий асосларини очиб беради. Бу, айниқса, аҳоли даромадлари салмоғи ва уларни дифференциациялашда яққолроқ намоён былади.

**Ижтимоий-демографик кырсаткичлар** аҳолининг ёши, жинси, касбий-малакавий таркибини, ишчи кучини жисмоний такрор ишлаб чиқаришни ифодалайди. Улар ижтимоий кырсаткичларда ыз аксини топади ва ижтимоий соҳа, умуман, иқтисодиёт тараққиёти билан мустаҳкам алоқада. Бу омиллар

аҳолишуносликнинг табиий асослари, яъни аҳоли, унинг айрим гуруҳлари сонининг ызгариши, умр кыриш даври ҳақида тасаввур ҳосил қилади.

Кырсаткичларнинг **объектив ва субъектив** турларга былиниши инсонлар ҳаёт фаолиятидаги ызгаришларни асослаш зарурати билан изоҳланади. Объектив кырсаткичлар объектив (иқтисодий, техник ва ҳоказо) базага эга былса, субъектив кырсаткичлар аҳоли гуруҳлари ёки алоҳида шахсларнинг меҳнат, оилавий муносабатлар, даромадлар, иш, турмуш тарзи ва шу кабилардан қониқиши быйича ҳисобга олинади.

**Қиймат ва натурал кырсаткичлар.** Қиймат кырсаткичлари барча даромад кырсаткичлари ва пул кыринишидаги бошқа кырсаткичлар (товар айланиши, хизматлар, ташишлар, пул жамғармалари ва қыйилмалари ва ҳоказоларнинг ҳажми)ни ыз ичига олади.

**Натурал кырсаткичлар** натурал бирликларда (дона, кв.м., куб м. ва ҳоказолар) ылчанадиган муайян моддий неъматлар ва хизматлар – озиқ-овқат маҳсулотлари, энергия истеъмоли, мол-мулк, тураржойлар, маданий-маиший товарлар таъминотининг ҳажмини ифодалайди.

Турмуш даражасини ифодалашда **миқдор ва сифат кырсаткичлари** муҳим аҳамиятга эга. **Миқдор кырсаткичлари** муайян моддий неъматлар ва хизматлар истеъмол ҳажмини аниқлайди. **Сифат кырсаткичлари** эса, аҳоли фаровонлигини сифат жиҳатидан баҳолаш имконини беради. Улар моддий неъматлар, хизматлар истеъмол таркиби, овқатланиш, маълумот, малака, узоқ муддатга мылжалланган ижтимоий-маиший буюмлар билан таъминланганлик даражаси кабиларни ыз ичига олади.

**Аҳоли фаровонлиги пропорцияси ва тақсимот таркибининг** (аҳоли қатламларини даромадлар быйича тақсимланиши, даромадлар ва истеъмолни концентрациялаш ҳамда дифференциациялаш кырсаткичлари ва бошқалар) ифодаловчи кырсаткичларни мустақил кырсаткичлар сифатида ажратиб кырсатиш мумкин.

**Статистик кырсаткичлар**. Статистик кырсаткичлар турмуш даражаси кырсаткичлари тизимида муҳим ырин тутади.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида илгари қабул қилинган таснифдан фойдаланиш деярли мумкин эмас, чунки шыролар даврида таркиб топган 280дан ортиқ кырсаткични баҳолаш жуда мураккаб ва шу билан бирга сынгги йилларда ижтимоий тараққиётнинг йуналишлари, ҳисоб юритиш ва ҳисобот амалиёти туб ызгаришларга юз тутди ва мамлакатда миллий манфаатларни ҳимоя қилувчи иқтисодий омиллар муҳим ырин тутади.

**Ҳозирги пайтда юзага келган шароитларни ҳисобга олиб, бозор иқтисоди шароитларига мувофиқлаштирилган қуйидаги янги кырсаткичлар тизими таклиф этилади:**

**1)** умумлаштирувчи кырсаткичлар (ички ялпи маҳсулот, истеъмол фонди, турмуш қиймати иидекси ва бошқалар);

**2)** аҳоли даромадлари;

**3)** аҳоли истеъмоли ва харажатлари;

**4)** аҳолининг пул жамғармалари;

**5)** жамғарилган мол-мулклар ва тураржойлар;

**6)** аҳолининг ижтимоий табақаланиши;

**7)** аҳолининг кам таъминланган табақалари.

Бу тизим ҳам камчиликлардан бутунлай холи былмасада, у шыролар даврида фойдаланилган таснифга қараганда ихчам, ҳисоб юритиш учун қулай ва турмуш даражасининг асосий кырсаткичларини акс эттиради.

9. Иш ҳақи тизимини шаклланиши ҳақида нималар биласиз?
10. Унинг функциялари ва элементлари ҳақида гапиринг.
11. Иш ҳақини ташкил этишнинг асосий тамойиллари нималардан иборат?
12. Иш ҳақи тылашнинг прогрессив усулларини қыллаш ва уларни самарадорлигини қандай тушунасиз?
13. Корхонада иш ҳақи тизимини таҳлилининг қандай назарий асослари мавжуд?
14. Корхонада иш ҳақи фонди сарфланишининг таҳлилини тушунтиринг.
15. Иш ҳақи фондининг қандай иқтисод қилиниши ва кып сарфланиш муаммоларини биласиз?
16. Асосий иш натижалари учун рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқишни ва унинг самарадорлигини аниқланг.

## Тавсия этиладиган адабиётлар

1.Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир/И.А.Каримов.– Тошкент: «Ўзбекистон»,2010.–34-50 б.

2.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 63-85 б.

3. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: MEHNAT, 2009. - 763 бет.

4.Буланов И.С.,Волгин Р.А. Рўнок труда. Учебник. - М: «Экзамен», 2007. - 479стр.

5. Кибанов А.Я. Экономика и социология труда. Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2010. – 548 стр.

6. Одегов Ю.Г. и др. Экономика труда: Учебник. В 2 т. Т. 2. – М.: «Альфа-Пресс», 2007. – 924 с.

## 9-мавзу. Меҳнатга бўлган муносабат ва меҳнат натижаларидан қониқиш муаммолари (2 соат)

1. «Меҳнатга муносабат» тушунчасининг мазмуни ва таркиби.
2. Ходимларнинг меҳнатга муносабатини характерловчи элементлар.

3. Ходимларнинг меҳнатга муносабатига таъсир қилувчи объектив шароитлар ва субъектив омиллар.

4. Меҳнатга муносабатни характерловчи асосий омиллар ва эмпирик воситалар, уларнинг типологияси.

**Қўлланиладиган педогогик технологиялар**: «Пинборд» усули

Меҳнат фаолияти жараёнида одамлар ижтимоий муносабатларга киришиб, бир-бирлари билан ўзаро ҳамкорлик қиладилар. Энг муҳим муносабатлар инсоннинг инсонга, инсоннинг меҳнатга бўлган муносабатлари бўлиб, улар меҳнат хусусиятининг асосий белгилари ҳисобланади. Агар инсоннинг ишлаб чиқариш воситалари билан ўзаро ҳаракатга киришуви унда касб қобилияти ва кўникмаларини шакллантирса, меҳнатга ва бир-бирларига бўлган муносабат эса муайян ижтимоий хислатларни вужудга келтиради. Касб қобилиятлари ва кўникмалари ходимларнинг жисмоний имкониятлари билан биргаликда ишлаб чиқаришнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучини ҳосил қилади. Бироқ меҳнат фаолиятининг натижаси фақат касб маҳорати ва жисмоний имкониятларнинг ривожланиш даражасига эмас, балки инсоннинг меҳнатга бўлган муносабатига ҳам боғлиқдир. Бу муносабат ижобий, салбий ва лоқайд муносабат ҳам бўлиши мумкин. У ишлаб чиқариш ва бутун ишлаб чиқариш муносабатлари тизимига катта таъсир ўтказиши мумкин. Унинг моҳияти ходимнинг англаб етилган эҳтиёжлари ва шаклланган манфаатдорлиги таъсирида меҳнат имкониятларини амалга оширишдан иборатдир.

**Меҳнатга муносабат инсоннинг ўз жисмоний ва маънавий кучларини энг кўп даражада намоён қилишга, ўз билим ва тажрибаси, қобилиятларидан муайян миқдорий ва сифат натижаларига эришиш учун фойдаланишга интилишини (ёки унинг йўқлигини) ифодалайди. Бу муносабат меҳнат муомаласида, унинг сабабларини асослаш ва баҳо беришда намоён бўлади.**

Меҳнатга муносабат – мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, уч элемент бирлиги: меҳнат муомаласи сабаблари ва йўналиши; реал ёки ҳақиқий меҳнат муомаласи; ходимларнинг меҳнат вазиятига оғзаки баҳо беришидан иборатдир.

***Биринчи*** (сабаб) ***элемент*** ходим меҳнат фаолиятида асосланадиган (амал қиладиган) меҳнат сабаблари ва йўл-йўриқлари билан боғлиқдир. Улар меҳнат муомаласининг ундовчилари, меҳнат хатти-ҳаракатлари ва амалларини, биргаликда эса сабаблар ўзагини ҳосил қилади.

***Иккинчи элемент*** ходимларнинг меҳнат фаоллигидан иборат бўлиб, муомаланинг шундай шакллари, чунончи ишлаб чиқариш нормасини бажариш даражаси; бажарилаётган иш сифати; интизомлилик; ташаббускорлик; техникавий ижодда қатнашиш; кўп станокли хизмат кўрсатиш; илғор иш усулларини эгаллаш; хом ашё ва материаллар, ёқилғи, электр қуввати ва ҳоказоларни тежаб-тергаб сарфлашда намоён бўлади.

***Учинчи*** (баҳо бериш) ***элементи*** ходимларнинг субъектив кечинмаларидан иборат. Бу уларнинг бажариладиган иши билан боғлиқ ички ҳолатини акс эттиради. Ҳар қандай фаолият меҳнат субъектининг ўзига баҳо беришисиз нотўлиқ, нотугал бўлади.

***Ижтимоий фаоллик-*** ходимларнинг ижтимоий ўзгартирувчи фаолиятининг мезонидир. Бу фаолият ҳаракатларнинг ички зарурлигини англашга асосланган бўлиб, уларнинг мақсади ижтимоий эҳтиёжлар билан белгиланади. Мазкур фаоллик ижтимоий фаолиятда амалга оширилади ҳамда унинг намоён бўлишининг уч - меҳнат, ижтимоий-сиёсий ва маърифий ижодий шаклларига мос келади.

***Меҳнат фаоллиги*** – ижтимоий фаолликнинг асосий, белгиловчи шаклидир. У ходимнинг ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилиниши ва меҳнат унумдорлигининг доимий ўсишида, уларнинг ўз жисмоний ва ақлий имкониятларини, билимлари, кўникмалари, қобилиятларини муайян меҳнат фаолияти турини бажариш чоғида амалга ошириш даражасида ўз ифодасини топади.

***Ижтимоий-сиёсий фаоллик.*** Ижтимоий-сиёсий фаолиятда қатнашишнинг кенгайишида, ишлаб чиқариш ишларини бошқаришда ифодаланади. Бу - жамоат ташкилотлари ишида, турли масалаларни ҳал этишда, овоз беришда ва шу кабиларда қатнашишдир.

***Маърифий-ижодий фаоллик***. Таълим ва малака даражасини оширишда тиришқоқ, изланувчан ва ташаббускор шахсда жамият ҳаётининг барча соҳаларида ижодий асосни шакллантиришда намоён бўлади.

Кўриниб турибдики, меҳнатга муносабатни шакллантиришда сабабни асослаш муҳим бўлиб, муайян меҳнат муомаласини шарт қилиб қўяди. Сабабни асослаш ходим ўзининг меҳнат муомаласида амал қиладиган меҳнат сабаблари ва йўл-йўриқларида ифодаланади. Ходим меҳнат муомаласи жараёнида меҳнатга баҳо беради. Меҳнатга баҳо бериш – ходимнинг ички ҳолати бўлиб, у унинг меҳнат фаолияти билан, атрофдаги вазиятдан (меҳнат шароити, унга хақ тўлаш, меҳнатни нормалаш ва ҳоказолардан) қаноат ҳосил қилиш билан вужудга келади. У ходимнинг меҳнатга қўядиган талаблари, унинг сабаблари ва йўл-йўриқлари ўртасидаги мувофиқликка, меҳнат фаолияти, муайян ишлаб чиқариш шароитга боғлиқ бўлади.

Меҳнатга муносабат мақсадини ўрганиш – унинг шаклланиш ва бошқариш механизмини аниқлашдир. Бу ишда анча аҳамиятли жиҳатлар меҳнатга муносабатни шакллантирувчи омилларни ўрганиш, унинг ходимнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларига таъсир кўрсатишини белиглашдир. Меҳнат жараёнида ходимнинг муомаласига, унинг меҳнатга муносабатини шакллантиришга кўпгина омиллар таъсир кўрсатади. Улар меҳнат сарфлашни кўпайтиради ёки камайтиради, меҳнат кишиларнинг ўз билим ва тажрибаларидан, ақлий ва жисмоний имкониятларидан оқилона фойдаланишга ундайди.

Меҳнат билан чамбарчас боғланган жараёнлар ва муносабатлар доираси ижтимоий-меҳнат муносабатларини юзага келтиради. Ижтимоий-иқтисодий жараён ва муносабатларни амалга оширишда меҳнат билан боғлиқ шарт-

шароитларни амалга ошириш (ташкил этиш, ҳақ тўлаш, интизом, меҳнат этикаси, меҳнат жамоаларининг шаклланиши) муносабатларида устуворлик қилинса, бундай соҳани ижтимоий меҳнат соҳаси дейиш мумкин.

Ижтимоий-меҳнат соҳаси ходимларнинг ижтимоий ҳолати шаклланадиган, барқарор амалга ошириладиган ва ўзгарадиган аниқ ижтимоий муаммолар мажмуидан иборат бўлиб, уни бошқариб бориши зарур.

Меҳнатни бошқариш вазифалари жумласига иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, иқтисодиётни ривожлантиришнинг мувозанатлилиги ва мутаносиблигини таъминлаш, меҳнатдаги ижтимоий-иқтисодий тафовутларни камайтириб бориш, инсонни ҳар томонлама камолга етказиш учун шарт-шароитлар яратиш, меҳнат жамоаларини шакллантириш ва бошқаришдаги уларнинг ролини ошириш киради.

Меҳнатни бошқариш функциялари – қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш учун бошқариш объектларига нисбатан амалга ошириладиган ҳаракатлар бўлиб, улар орқали меҳнатни бошқариш механизми ишга солинади.

Меҳнатни бошқариш жараёни бошқарув вазифаларини ҳал қиладиган реал тизими мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин. Бу тизимни икки томондан олиб қараш мумкин. Бир томондан олиб қараганда, у меҳнат соҳасидаги бошқарув муносабатларининг йиғиндисидир. Мазкур ҳолда меҳнатни бошқариш тизимининг ходимларни бошқариш, меҳнат фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлашни бошқариш, меҳнат унумдорлиги ва сифатини бошқариш, меҳнатга қизиқтириш ва меҳнатни рағбатлантиришни бошқариш ижтимоий меҳнат муносабатларини бошқариш функциялари мавжуд бўлади.

Бошқа томондан қараганда, корхона ва ташкилотларда меҳнатни бошқариш тизимини ташкил этадиган махсус хизматлар меҳнат ва иш ҳақи бўлими, меҳнатни ташкил қилиш бўлими, кадрлар бўлими, ходимларни бошқариш хизмати меҳнатни бошқариш институционал шаклининг бўғинлари ҳисобланади.

Одатда, меҳнатдан қониқиш ҳосил қилишни турли хил омиллар йиғиндиси билан ылчайдилар. Корхона, меҳнат ташкилоти, фирма ва ҳоказолар доирасида қуйидаги кырсаткичларни ажратиб кырсатиш мумкин:

*Қониқарли шарт - шароитлар*

1. Ишдаги ҳамкасблар билан яхши муносабатда былиш
2. Сменанинг қулайлиги, нормалашмаган иш куни
3. Ишлар тури хилма-хил
4. Иш билим, зеҳн-идрокни талаб қилади
5. Хавфсизлик техникаси яхши
6. Иш хақи юқори
7. Иш жисмоний толиқишни талаб қилмайди
8. Иш малака ошириш имконини беради
9. Иш билан бир маромда таъмин этишади
10. Маъмурият яхши муносабатда былади
11. Цех (корхона) чиқараётган маҳсулот муҳим ва машҳур

12. Замонавий асбоб-ускуналар
13. Меҳнат яхши ташкил этилган
14. Санитария-гигиена шароитлари ва ҳоказо.

*Қониқарсиз шарт - шароитлар*

1. Санитария-гигиена шароитлари қаноатлантирмайди
2. Иш билан бир хилда таъмин этишмаган
3. Оғир жисмоний ишлар бажарилади
4. Иш ҳақи кам
5. Асбоб-ускуналар яхши эмас
6. Иш малака оширишга имкон бермайди
7. Маъмурият эътиборсиз муносабатда былади
8. Бир хил иш бажарилади
9. Смена вақти ноқулай тузилган
10. Меҳнат яхши ташкил этилмаган
11. Завод чиқараётган маҳсулот унчалик харидоргир эмас
12. Иш унчалик бош қотиришни талаб қилмайди
13. Хавфсизлик техникаси яхши эмас
14. Ишдаги ҳамкасблар билан муносабатлар яхши эмас ва ҳоказо.

Меҳнатдан қониқиш ҳосил қилишнинг умумий ва хусусий даражалари ыртасидаги нисбатларнинг бир неча принциплари мавжуд. Меҳнатдан қониқиш ҳосил қилишни ылчаш чоғида уларни ҳисобга олишга тығри келади:

— умумий қониқиш ҳосил қилиш даражаси ижобий ёки салбий омиллар миқдорининг бир-биридан бирмунча устун былиши натижасида пайдо былади;

— ижобий ёки салбий омиллардан бири шу қадар аҳамиятли быладики, бу эса умумий қониқиш ҳосил қилиш даражасини белгилаб беради;

— ижобий ва салбий омиллар ыртасида нисбий мувозанат вужудга келади, натижада умумий қониқиш даражаси ноаниқ былиб қолади.

Меҳнатдан қониқиш ҳосил қилиш кыпгина омилларга боғлиқдир. Улар ходимларнинг ыз меҳнат фаолиятларига баҳо бериш муносабатини шакллантиради ёки унга жиддий таъсир кырсатади. Улар орасида: меҳнат фаолиятининг объектив тавсифи, идрок этиш ва кечинманинг субъектив хусусиятлари (ходимнинг даъволари ва танқидий фикри), малака ва маълумоти, меҳнат стажи, меҳнат циклининг босқичлари, хабардорлиги, меҳнатнинг моддий ва маънавий сабаб асослари (меҳнатга аҳамият берилиши), ташкилотдаги маъмурий режим, ижобий ва мустақил баҳолашни қыллаб-қувватлаш, кутиш даражаси (мавжудлик ёки мавжуд эмаслик, воқеликнинг мос келиши ёки мос келмаслиги), меҳнат муаммоларига расмий ва оммавий муносабатда былиш, жамоатчилик фикри ва ҳоказолар кызга ташланади.

Санаб ытилган бу омилларнинг ҳаммаси амалда бошқарилувчан былиб, булар тығрисида реал ижтимоий технологиялар мавжуд, улар меҳнатдан қониқиш ҳосил қилинишини тартибга солиш имконини беради. Меҳнатга муносабат ва меҳнатдан қониқиш ҳосил қилиш шундай кырсаткичларки, улар

ходимнинг меҳнат шароитларига кенг маънода кыникиш даражасини аниқлаш имконини беради.

Меҳнат фаолиятининг ижтисоий-сиёсий кўриниши - меҳнат фаоллигига бўлган стимул (рағбат) ҳисобланади.

Кишилар меҳнат фаолиятининг субъектлари сифатида доимо бир-бирларининг ойлик маошлари билан қизиқадилар, кўпинча бу ҳақда яхшигина маълумотларга эга бўладилар.

Нафақат алоҳида шахслар, балки бутун-бутун гуруҳлар бир-бирларининг ойлик маошлари билан қизиқадилар; ҳис-ҳаяжонларга тўлиқ муҳокама қилишлар, баҳслар уларнинг хулқ-атворига ҳам қаттиқ таъсир кўрсатиши мумкин. Бу факт социологик тадқиқотлар томонидан ҳам тасдиқланган.

Муаммонинг мураккаблиги шундаки, тақсимлаш психологияси ҳар доим ҳам ҳамма учун бир хил бўлавермайди. У рационал ёки норационал бўлиши мумкин. Унинг асосий томонлари қуйидагича:

- ҳақиқий меҳнат қилиб топилган пулларни қабул қилмаслик, ҳатто, улардан воз кечиш; маъмуриятнинг тақсимлаш қарорларига ишонч билдиради;
- ўзининг катта ойлик маошини ҳам асосли деб қабул қилиш; бошқаларнинг ойлик маошини эса асоссиз деб қабул қилиш; ўз эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ойлик маошни талаб қилиш.

Ҳаққонийлик, виждонийлик психологияси - бу абсолют (ягона) бўлмаган қонун, лекин қуйидагидек мураккаб ҳолатларда пайдо бўлиши мумкин:

а) одамлар ёнма-ён ишлайдилар ва ўз фаолиятлари, меҳнат жараёнидаги ўзлари қўшган ҳиссаларини ва ойлик маошларини бошқаларники билан солиштириб кўрадилар;

б) одамлар ўзлари ишлаб турган меҳнат фаолияти билан яқин танишлар, яхшигина маълумотга эгалар, шунинг учун ўз тажрибалар нуқтаи назаридан баҳо бера оладилар;

в) одамлар қайсидир маънода тарбия кўрганлар, уларда виждонийлик, ҳақиқат тушунчалари тарбия топган;

г) зиддиятли ҳолатларда ҳам улар жуда эътиборли ва атрофдагиларнинг меҳнат фаолияти, моддий аҳволига бефарқ эмаслар;

д) жуда катта, ёки жуда кичик моддий жамғарма тақсимланади, (ҳаққонийлик, реаллик ҳис-туйғулари кучаяди ва «оз нарса тенг бўлинади» деган принципга қатъий амал қилинади. Бу албатта иқтисодиётнинг ночорлиги ва корхоналарда даромаднинг ниҳоятда паст бўлганлик ҳолатларида амалга оширилади).

**Тақсимлаш психологиясини тушуниш учун ойлик иш ҳақи ижтимоий нормаси категорияси жуда муҳимдир. Бу норма шундай ойлик иш ҳақини акс эттирадики, унда ҳар бир индивид ёки гуруҳ ўзини нормал, ижтимоий тақсимлаш борасида ҳаққоний деб ҳисоблайди. қуйидаги ойлик иш ҳақи шкаласини кўз олдимизга келтирамиз: минимал ойлик иш ҳақи – ўртадан паст, ўртача ойлик иш ҳақи эса – ўртадан юқори ва максимал. Бу кўрсаткичларнинг ҳар бири маълум бир ходимга мослаштирилган, шунга қарамасдан**

**уларнинг кўпчилиги ўртача ойлик иш ҳақини олишни маъқул кўрадилар. Социологик тадқиқотларнинг бу далилларига бир неча принципиал изоҳлар бериш мумкин.**

Ойлик иш ҳақининг ўртача даражаси ишчининг соддагина онгида - энг олдинда ҳисобланадиган ойлик иш ҳақидир. Бундай гуруҳларга қуйидагилар танлаб олиниши мумкин: а) ўз корхонасининг жамоаси; б) ўз касби; в) банд бўлган аҳоли жамияти.

Ўртача ойлик иш ҳақини мўлжаллаётган ходимлар ҳаққоний муносабатларни кўрсатадилар, максимум ёки минимум деган чегараларни четлаб ўтадилар, бу билан ўз камтарликларини намоён этадилар.

Бундай муносабатлар жараёнида индивидлар баъзи бир ўзига хос томонлари билан ажралиб туради. Агар баъзи бирлари учун «ўртачага яқин» ойлик иш ҳақи маъқул бўлса, бошқа бирлари учун эса «ўртачадан юқори» ойлик иш ҳақи муҳимроқдир, ёки кимлар учундир «ўртачадан пастроқ» ойлик иш ҳақи ҳам муҳимроқдир.

Ойлик иш ҳақининг максимал ёки минимал аҳамиятига йўналтирилган гуруҳ кишилари ҳамиша топилади. Максимал ойлик иш ҳақига аҳамият берадиган гуруҳдагилар ўз меҳнатлари ва ўзлари бераётган юқори баҳолари билан ажралиб турадилар, иккинчи гуруҳдагилар эса ўта камтар инсонлардир ёки улар зиддиятлар ва рақобатларга умуман мослашмаган бўладилар, ёки улар меҳнат тақсимотидаги ўзларининг энг кичик улушларини тан оладилар. Реал бўлган меҳнат ва иқтисодий ҳаётда энг асосий эътибор тенгликка қаратилган бўлади. Иккита асосий принципни таърифлаймиз, ҳаққонийлик психологияси, энг ишонарли тақсимот психологияси, рағбатлантиришдаги тенглик ва тенг бўлмаган ҳолатларда бу принциплар энг муҳим рол ўйнайди.

Ҳаққонийлик, адолат ва ҳақсизлик сингари тушунчаларда одамлар кўпинча бир-бирларига қарашадилар. Бу айниқса меҳнатга ҳақ тўлаш масалаларини ўзлари ҳал қилаётган пайтларида кўринади. Бунга КТУ яққол мисол бўла олади, чунки бу жамоанинг ўзи томонидан белгиланади ва шунинг асосида зиддиятлар ҳам келиб чиқади.

Айниқса, ақлий ва жисмоний меҳнат турларига ҳақ тўлашда уларни қиёслаш ва шу билан бир қаторда адолатли ҳал қилиш жуда мураккабдир, чунки бунда бошқарув ва ижрочилик функциялари, маълумотнинг бор ёки йўқлиги, катта ёки кичик меҳнат стажи, турли хил ёш жиҳатларини ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади. Бунда меҳнатнинг мазмуни ва характери унинг итимоий вазифаси, манфаатлари ва кайфияти билан бир-бирига чамбарчас боғлангандир. Меҳнатга адолатли ҳақ тўлаш - иш билан таъминловчининг мавқеини белгилашда жуда муҳимдир. Ҳар бир жамоада, шаҳарда, соҳада ойлик маоши ҳақида одамлар бир хилда маълумотга эга эмаслар. Шу нуқтаи назардан олиб қараганимизда иш билан таъминловчилар учун бошқарув усуллари пайдо бўлади. Тақсимлаш психологиясида ойлик иш ҳақининг ижтимоий (ижтимоий) нормаси катта аҳамиятга эгадир.

Меҳнат соҳасида истеъмол мотиви - бу инсоннинг меҳнат хулқ-атворига истеъмол аҳамияти нуқтаи назаридан даромад сифатида иш ҳақининг

таъсиридир. Бу омил алоҳида ишчи, меҳнат гуруҳи, банд аҳолининг бутун бошли табақаларининг меҳнатга бўлган муносабатларининг кўпгина хусусиятларини аниқлаб беради ва меҳнат соҳасида ижтимоий-иқтисодий характерга эга бўлган жуда кўп актуал муаммоларни юзага келтиради.

Микро ва макродаражага хос меҳнат соҳаси истеъмол мотивининг бир қатор аниқ ҳолатларини кўриб чиқсак.

1. Инсонлар характерига қараб турлича моддий ва маънавий эҳтиёжларга эга (кимларнидир элементар ҳаёт кечириш қизиқтирса, кимлардир ўртача даражада ҳаёт кечиришга интиладилар, яна кимлардир шохона ҳаёт кечиришга интиладилар), шунингдек уларнинг моддий аҳволи ҳам фарқлидир (кимдир энди-энди таъминланганлик даражасига чиқаётган бўлса, яна кимдир ўша вақтда етарли даражада моддий таъминланган бўлади). Бу нарса ўз навбатида инсоннинг пул учун ишлашга бўлган кучли ёки кучсиз интилишларини белгилаб беради ва бу айниқса иш берувчига маълум ҳолатдир, ишчининг ўзи ҳам буни ўз оғзи билан айтиб туради.

2. Социология фанида «истеъмол жамияти» деган тушунча бор. Бунда турли эҳтиёжларни қондириш энг буюк мақсад ва қадрият ҳисобланади; мафкурани, маданиятни ва ижтимоий психологияни бойитиш кайфияти қамраб олади, истеъмол ва истеъмолчи инсоннинг ўзи эса - интенсив ва кучайган пропаганда ва рекламанинг доминант предмети бўлиб қолади. Бундай жамиятда инсонлардан юқори даражадаги меҳнат фаоллиги талаб қилинади, чунки улар мумкин қадар кўпроқ товар сотиб олиш ташналигига дучор бўладилар ва бу нарса ўз навбатида кўпроқ даромад топишга ундайди ва оқибатда улар кўпроқ ишлашга мажбур бўладилар. Шундай қилиб, меҳнатни рағбатлантиришда ва меҳнат кайфиятини ушлаб туришда айнан истеъмолнинг пропагандаси ва рекламасига ҳал қилувчи рол ажратилади.

3. Агар инсонлар пулга истеъмолни қондириш сифатида интилсалар, бу ҳолда улар бу интилишни маълум даражада меҳнатга боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга ошириш мумкин. Шундай вазият ва индивидуал ҳолатлар учраб турадики, бунда истеъмол талаблари нафақат меҳнат қилишга рағбатлантиради, балки жиноий фаолиятни амалга оширишга, қонунбузарликка, меҳнат жамоасида оғма хулқ-атворга ҳам ундайди. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда индивидуал ҳолатлар ва вазиятларнинг ижтимоий-иқтисодий таҳлили ўта муҳимдир.

**Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. «Меҳнатга муносабат» тушунчасининг мазмуни нима?
2. Меҳнатга муносабатнинг уч элемент бирлиги нималардан иборат?
3. Меҳнатга муносабатни характерловчи асосий омиллар ва эмпирик воситаларни айтинг.
4. Меҳнат социологияси ходимларнинг меҳнатга былган муносабатига қараб уларнинг қандай типологиясини биласиз?
5. Меҳнат натижаларидан қониқишнинг ижтимоий моҳияти, тузилиши ва унинг пайдо былишидаги қандай эмпирик омиллар бор?

6. Меҳнат натижаларидан қоникишнинг қандай асосий мезонлари ва кырсаткичлари мавжуд?

Тавсия этилган адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 63-85 б.

2. “Баркамол авлод йили” Давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 20.01.2010 й. № ПҚ-1266.

3. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: MEHNAT, 2009. - 458 б.

4.Мумладзе Р.Г. Экономика и социология труда. Учебник. - М.: КНОРУС, 2007. – 215 с.

5. Кибанов А.Я. Экономика и социология труда. Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2010. – 125 с.

6. Шоюсупова Н.Т. Меҳнат социологияси.Ўқув қўлланма. - Т.: Адабиёт жамғармаси, 2004.-125 б.

7. Одегов Ю.Г. и др. Экономика труда: Учебник. В 2 т. Т. 2. – М.: «Альфа-Пресс», 2007. – 784 с.

## 10-мавзу. Ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш

**(4 соат)**

### 1-маъруза машғулоти

1. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг зарурияти, моҳияти, турлари.
2. Аҳолинининг кам таъминланган қисмини манзилли ижтимоий муҳофаза қилишнинг ўзи хос хусусиятлари ва манбалари.
3. Кам таъминланган аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш йўллари.

### 2-маъруза машғулоти

1. Нафақахўрларни ва талабаларни ижтимоий муҳофазалаш тадбирлари.
2. Давлат томонидан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш шакллари ва механизмларини тартибга солиш хамда уни такомиллаштириш.
3. Аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилишни самарали тизимини вужудга келтириш муаммолари.

**Қўлланиладиган педогогик технологиялар**: “Инсерт” усули

**Ижтимоий сиёсатда икки асосий йыналишни ажратиб кырсатиш**

**мумкин: аҳолини ижтимоий таъминлаш ва давлат ижтимоий кафолатлари.** Ижтимоий таъминот пенсия таъминоти, нафақалар билан таъминлаш, аҳолининг айрим табақалари учун белгиланган имтиёзлар ва компенсациялар тизими ва ижтимоий хизмат кырсатишни ыз ичига олади. Иккинчи йыналиш эса жамиятнинг бир меъёрда ривожланишини, яъни соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва соғломлаштириш, шунингдек, тураржойга эга былиш ҳуқуқини таъминлаш билан боғлиқ.

**Давлат ижтимоий таъминоти** – бу, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини кексайганда, касаллик рый берганда, меҳнатга лаёқатини қисман ёки бутунлай йықотганда, боқувчисини йықотганда, шунингдек, болали оилаларни моддий таъминлаш ва уларга хизмат кырсатиш давлат тизимидир.

Ижтимоий таъминот қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий шаклларда амалга оширилади: давлат ижтимоий суғуртаси, республика бюджети маблағлари, маҳаллий бюджетлар маблағлари. Иқтисодиётни ислоҳ қилиш даврида ижтимоий таъминотнинг жамоат ташкилотлари ва хусусий шахслар фаолияти билан боғлиқ шакллари ривож топади.

Аҳолини ижтимоий муҳофазалашни бир вақтнинг ызида амал қиладиган ва бир-бирини тылдирувчи қуйидаги тыртта тизимга ажратиш мумкин: давлат ижтимоий таъминоти, давлат ижтимоий суғуртаси; жамоа ижтимоий суғуртаси ва шахсий суғурта.

Давлат ижтимоий таъминоти – аҳолининг ижтимоий заиф қатламларига пулли нафақалар воситасида кырсатиладиган ёрдамдир. Солиқлар ва бошқа бюджет тушумлари ҳисобига молияланадиган бу ёрдам уларга белгиланган минимал турмуш даражасини кафолатлайди.

Давлат ижтимоий суғуртаси зарур турмуш даражасини кафолатлайди. У мажбурий былиб, иш берувчилар ва меҳнаткашларнинг суғурта бадаллари, давлат томонидан ажратиладиган дотациялар ҳисобига молияланади.

Жамоа суғуртаси етарли турмуш даражасини кафолатлайди. У мажбурий ёки ихтиёрий равишда амалга оширилиши мумкин. Бунда иш берувчилар ва ёлланганнинг суғурта бадаллари тылов манбалари былиб хизмат қилади.

Шахсий суғурта фаровонликнинг юқори даражасини кафолатлайди. У ихтиёрий равишда, фуқароларнинг суғурта бадаллари ҳисобига амалга оширилади.

Биринчи икки қуйи тизимнинг асосий тамойили – бирдамлик, учинчисиники субсидиялаш, туртинчи, яъни шахсий суғуртаники эса, мутаносиблик тамойилидир. Бирдамлик тамойили ёрдамнинг муҳтожлик даражасига қараб, фуқаро тылаган солиқлар ва суғурта бадаллари миқдорини ҳисобга олмасдан тақсимланишини кызда тутади. Субсидиялаш тамойилида эса, муҳтожлик даражасига қараб, аммо бадаллар миқдори ва мос равишда тыловлар миқдорини ҳисобга олган ҳолда ёрдам кырсатилади. Мутаносиблик тамойили тыланган суғурта бадалларига мутаносиб миқдорда ёрдам кырсатишни кызда тутади.

Юқорида қайд этилганлардан ташқари ижтимоий ҳимоянинг яна бир неча тамойиллари қылланади:

- умумийлик;

- очиқлик;
- кыптомонламалик;
- таъминот турларининг турфа хиллиги;
- мувофиқлик (яъни ижтимоий ёрдам миқдорининг иқтисодий тараққиёт даражасига мослиги).

Биринчи икки тизим ызаро боғлиқ ва бир-бирини тылдиради. Давлат ижтимоий таъминоти ва суғуртасининг қуйидаги турлари мавжуд:

- давлат ижтимоий суғуртаси быйича нафақалар ва бошқа ижтимоий нафақалар;
- давлат пенсия таъминоти;
- уй-интернатларда кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга қараш ва хизмат кырсатиш;
- ногиронларни протез-ортопедик буюмлар ва ҳаракатланиш воситалари билан таъминлаш;
- болалар уйлари, интернатлар ва бошқа муассасаларда болаларга қараш ва уларни тарбиялаш;
- ногиронларни ишлаб чиқариш ва касбий реабилитация қилиш;
- аҳолини санатория-курортлар ва дори-дармонлар билан таъминлаш;
- уйларда ижтимоий хизмат кырсатиш ва бошқалар.

**Тыла маънода олганда, ижтимоий муҳофаза қуйидаги йыналишларни қамраб олади:**

- жамият аъзоларига кун кечириш учун зарур нарсаларнинг энг кам миқдорини таъминлаш ва муҳтожларга моддий ёрдам кырсатиш, турмуш даражасини пасайтириш омилларидан муҳофаза қилиш;
- фуқароларнинг ызлари учун қонунга зид келмайдиган ҳар қандай йыллар билан тирикчилик воситаларини ҳеч бир тысиқсиз ишлаб топишлари учун имкон берадиган шарт-шароитлар яратиш;
- фуқароларнинг таълим, тиббий ёрдам ва шу кабиларга былган эҳтиёжларини қондиришни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш, бунда жамият имкониятлари ва ызига хос миллий-тарихий хусусиятларни ҳисобга олиш;
- ёлланиб ишлаётганларга қулай шароитларни таъминлаш, уларни саноат ишлаб чиқаришининг салбий таъсир кырсатишидан муҳофаза қилиш;
- жамият аъзоларининг экологик хавсизлигини таъминлаш;
- фуқароларни жиноий ҳамлалардан ҳимоя қилиш;
- ҳуқуқий, демократик давлат тамойилларига мос келувчи фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни муҳофаза қилиш;
- қуролли ижтимоий ва миллатлараро низоларга барҳам берувчи шарт-шароитлар яратиш;
- сиёсий таъқиб ва маъмурий зыравонликдан муҳофаза қилиш;
- маънавий ҳаёт эркинлигини таъминлаш, мафкуравий тазйиқлардан муҳофаза қилиш;

- умуман, жамиятда, айрим ячейкалар ва таркибий былинмаларда қулай психологик иқлим яратиш, психологик тазйиқ ытказишдан муҳофаза қилиш.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йиларидан бошлаб иқтисодий ислоҳотларнинг ызига мос йыли танланди. Ўтиш даври жараёнлари Президент И.А. Каримов олға сурган бешта асосий тамойилларидан бири: «ҳалқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ысиши, аҳолини янада кучли ижтимоий муҳофаза қилишни ифода этади".

Ижтимоий муҳофазанинг ижтимоий-иқтисодий муносабат сифатидаги моҳияти жамият ва аҳоли ыртасидаги муҳтожлик ҳолларида ёрдам, қарияларга кымаклашиш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий аҳвол, ҳаётий зарурий воситалар билан таъминлаш билан боғлиқ муносабатлардан иборат.

Ижтимоий муҳофазанинг иқтисодий негизини моддий ишлаб чиқариш ташкил этади. Тақсимотчилик муносабатлари натижасида жамиятнинг олдига қыйилган бош мақсадга мувофиқ ялпи миллий маҳсулотнинг муайян қисми аҳоли ижтимоий муҳофазасига сарфланади. Ижтимоий муҳофаза фондининг аксарият қисми тақсимотчилик жараёнида давлат бюджетида шаклланади. Унинг тыпланиш механизми солиқлар ва мақсадли жамғармалардир.

**Мамлакатимизда давом этаётган ва бозор иқтисодиётини қарор топтиришга қаратилган чуқур ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар умуман, фуқароларнинг самарали ижтимоий муҳофаза қилишни, хусусан, корхоналар ходимларини муҳофаза қилишни ниҳоятда муҳим вазифалардан бирига айлантирди. Бир томондан, бу ызгаришлар фуқароларнинг ижтимоий муҳофазаланишини кучайтиради, иккинчи томондан эса, инсон фаолиятининг айрим муҳим томонларида ижтимоий муҳофаза қилиш быйича кыпроқ куч-ғайрат сарфланишини: ишсизликдан, пулнинг қадрсизланишидан, фуқароларнинг бирмунча қисми моддий томондан таъмин этилмаганидан ва шу кабилардан муҳофаза қилишни талаб этади.**

**Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг зарурияти, моҳияти, турлари ҳақида сызланг.
2. Ижтимоий муҳофаза қандай йыналишларни ыз ичига олади?
3. Аҳолинининг кам таъминланган қисмини манзилли ижтимоий муҳофаза қилишнинг қандай ызига хос хусусиятлари ва манбаларини биласиз?
4. Кам таъминланган аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш йылларини гапиринг.
5. Нафақахырларни ва талабаларни ижтимоий муҳофазалаш тадбирлари ҳақида нималар биласиз?
6. Аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилишни самарали тизимини вужудга келтириш муаммоларини гапиринг.

## Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик (назария ва амалиёт) –Т.: “Меҳнат”, 2004. –610-634 б
2. Abduraxmonov Q.X., Abduramanov X.X. “Aholini ijtimoiy muhofaza qilish”.O’quv qo’llanma. T.: ТДИУ, 2010. 7-57 b.
3. Кучмаева О.В., Егорова Е.А. Экономика труда. Учебное пособие. М.: «Альфа-Пресс»,2008, 112с.
4. Одегов Ю.Г.и др. Экономика труда: Учебник. В 2 т. Т. 1. – М.: «Альфа-Пресс», 2007. – 376 с.
5. Одегов Ю.Г. и др. Экономика труда: Учебник. В 2 т. Т. 2. – М.: «Альфа-Пресс», 2007. – 569 с.
6. Рязанцев Д. Зарплата и кадрў. Секретў работў. –СПб.: БХВ-Петербург, 2007. -259 с.
7. Ходиев Б.Ю.,Бекмуродов А.Ш. ва бошқалар. Президент Ислом Каримовнинг «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 159 бет.

## 11-мавзу. Меҳнат соҳасида аниқ социологик тадқиқотлар ўтказишнинг муаммолари (2 соат)

1.Меҳнат соҳасида аниқ социологик тадқиқотлар ўтказишнинг аҳамияти ва зарурияти.

2.Аниқ социологик тадқиқотлар ўтказишнинг босқичлари ва турлари.

3.Аниқ социологик тадқиқотларнинг дастури.

4.Респондентлар самарадорлигини ошириш муаммолари ва уларнинг ечимлари.

**Қўлланиладиган педогогик технологиялар:** «Ақлий ҳужум» усули

Ижтимоий ҳодисалар, предметлар, муаммоларни ырганиш, улар быйича маълумот тыплашга қаратилган фаолият тизими ижтимоий тадқиқот деб аталади.

Замонавий социологияда маълумот тыплаш ва таҳлил этишнинг ынлаб усуллари ва йыллари мавжуд. Социологик тадқиқотлар методологияси эмпирик маълумотларни тыплаш, қайта ишлаш ва таҳлил этиш быйича турли махсус усуллар, воситалар ва йылларни ызида мужассамлаштиради. Умумий кыринишда социологик тадқиқотларни кейинчалик ижтимоий бошқарув амалиётида қыллаш учун ырганилаётган ҳодиса ёки жараён ҳақида ишончли маълумотлар олишга қаратилган ягона мақсад йылида ызаро боғланган методологик, услубий ва ташкилий процедураларнинг мантиқан узвий боғлиқ тизими деб қараш мумкин.

Социологик тадқиқотлар бир қатор уйғун, бир-бирини алмаштирувчи, шу билан бирга мазмунан боғлиқ босқичларни ызи ичига олади, улар:

- социологик тадқиқотлар дастурини ишлаб чиқиш;

- танлов тури ва ҳажмини аниқлаш;
- пилотаж тадқиқоти ыткaзиш;
- ижтимоий тадқиқотни ыткaзишни ташкил этиш;
- бирламчи социологик маълумот тыплаш;
- йиғилган маълумотни қайта ишлаш;
- социологик маълумотни таҳлил этиш, тадқиқот натижалари быйича ҳисобот тайёрлаш, хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Социологик тадқиқотларни ташкил этишнинг энг муҳим босқичларидан бири тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, фаразларини тайёрлаш, тушунчаларини ойдинлаштириш ва уларни операционализациялашни ызида акс эттирувчи социологик тадқиқотлар дастурларини ишлаб чиқишдир.

Материалларни қайта ишлаш ва таҳлилнинг қийинлиги, интервьюернинг касб маҳорати ва унинг субъектив тасаввурига боғлиқлиги, яъни муаммонинг моҳиятини ихтиёрий равишда талқин қилиш мумкинлиги ностандарт интервьюнинг камчиликларидан саналади.

Интервьюларни ыткaзилиш тартиби быйича туркумлаш.

Шахсий интервью - бирон-бир муаммони ырганишнинг энг кенг тарқалган усули. У интервьюни махсус ыргатилган интервьюерлар томонидан кычада, ишхонада, уйларда ёки одам гавжум жойларда ыткaзилишини кызда тутади. Ушбу усулни “юзма-юз” деб аталади ва интервьюер билан респондентнинг бевосита алоқасига асосланади.

Гуруҳий интервью бирваракайига унча кып былмаган кишилар - гуруҳ, оила, бригада билан сыров ыткaзишни кызда тутади. Одатда, бунда умумий мавзуларда мунозара юритилади. Гуруҳий интервью учун гуруҳ (10 кишигача) танланади улар билан маълум бир мавзуда муҳокама ыткaзилади, суҳбатнинг боришини махсус тайёрланган интервьюер - модатор белгилайди.

Теран (клиник) интервью респондентнинг ижтимоий мақсадлари, қадриятлари йыналиши, манфаатлари, мотивлари тығрисида батафсил маълумот олишга қаратилган. Якка тартибдаги теран интервью гуруҳларда муҳокама қилинмайдиган ыта шахсий, нозик масалаларни ырганишда, айниқса, қыл келади.

Телефон орқали интервью ҳозирги вақтда турли харажатларсиз ва ижтимоий тадқиқотни қисқа муддатда ыткaзишга изн берувчи усул сифатида кенг тарқалмоқда. У мамлакатнинг турли жойларида яшовчи респондентлар билан қийинчиликсиз алоқага киришиш имконини беради. Телефон орқали интервьюни ташкил этиш қийинчилик тугдирмайди, чунки репрезентатив танловни телефон маълумотномалари орқали амалга ошириш мумкин. Аммо телефон орқали интервью бир қатор чеклашлар туғдиради, масалан, бунда кыргазмали материаллар киритилмайдиган, тушунишга осон саволлардан тузилган энг қисқа анкеталари қылланилади; агар сыров мавзуси абонентларни қизиқтирмаса ёки улар учун долзарб былмаса, абонентлар анкета саволларига жавоб қайтаришдан бош тортишлари мумкин.

Почта орқали сыровларнинг моҳияти қуйидагича: социолог анкетани

почта орқали махсус хат ва ызининг манзили ёзилган хатжилд билан биргаликда жынатади. Ушбу усулнинг афзаллиги тажамлилигида, географик жиҳатдан тарқоқ респондентлар, масалан фермерлар, бирон кам миллат вакиллари, алоҳида аҳоли пунктларида истиқомат қилувчилар ыртасида тадқиқот ытказишга қулайлигида. Интервьюер билан респондент ыртасида ызаро алоқанинг йықлиги (саволни тушунтириб беришнинг имкони йық) ва жынатилаётган жавобларнинг камлиги (30 фоиз атрофида) ушбу усулнинг камчиликлари ҳисобланади.

Социологияда маълумот тыплашнинг муҳим усулларидан яна бири тадқиқот вазифаларига мос тарзда ижтимоий жараёнларни мақсадга мувофиқ ва системали равишда қайд этиб боришдан иборат былган кузатиш усулидир. Кузатиш усулининг хусусияти шундаки, бунда ырганилаётган объект ҳақида нообъектив, бузилган маълумот олиш эҳтимоли катта, чунки кузатиш фактининг ызи кузатилаётганлар хулқини ызгартиради. Кузатиш усулини объект ҳақида бошланғич маълумот олиш, муаммони ойдинлаштириш, фараз ишлаб чиқиш зарур былган дастур тузиш жараёнида, шунингдек бошқа усуллар билан олинган маълумотларни текшириб кыриш учун қыллаш мумкин.

Ҳужжатларни таҳлил этиш усули социологияда кенг қылланилади. Ҳужжатлар деганда маълумотни қайд этиш, узатиш ва сақлаш учун мылжалланган ахборот ташувчилар тушунилади. Тадқиқот вазифасини ҳал этиш объект ҳақидаги маълумотлар ишончли былиши учун қандай ҳужжатларни ырганиш кераклигини аниқлаб олишни талаб этади.

Маълумот қайд этилган шаклига қараб ҳужжатлар қуйидагича былиши мумкин:

- ёзма матнлар (босма, машинада ёзилган, қылёзма);
- иконограф (кино, видео, фотоҳужжатлар);
- фонетик (магнитафон ёзувлари).

Мақомига қараб ҳужжатлар расмий, яъни у ёки бу ҳукумат идоралари чиқарган ҳужжатлар (ҳукумат материаллари, қарорлари, архивлар ва ш.к.) ва норасмий ҳужжатларга (шахсий варақалар, анкеталар, аризалар ва б.) туркумланади. Маълумот манбасига қараб ҳужжатлар бевосита кузатув ёки сыров асосида тузилган бирламчи ва иккиламчи ҳужжатларга (бирламчи манбалар маълумот асосида умумлаштирган ва қайта ишлаб яратилган) былинади.

Сыровнинг ызига хос тури социометрик сыровдир. “Социометрия” атамасининг луғавий маъноси дыстона муносабатлар даражасини аниқлашдир. Социометрик сыров - ижтимоий-психологик усулларга киради. У бригадаларнинг ишлаши ва бирламчи меҳнат жамоаларидаги меҳнат муносабатларининг хусусиятларини ырганиш учун кенг қылланилади, шу боис уни ижтимоий тадқиқот усулларидан бири деб қараш мумкин. Бу усулдан турли шахслараро муносабатларни тадқиқ этишда фойдаланилади. Социометрик сыров ытказишнинг асосий инструменти бирламчи жамоанинг ҳар бир аъзоси томонидан тылдириладиган социометрик варақадир. Социометрик варақаларни таҳлил этиш орқали қуйидаги шахслараро

муносабатларни аниқлаш мумкин: мойиллик, афзал кыриш (яъни, ижтимоий танлов) ёки юз ыгириш, оғиш, яъни салбий танлов, шунингдек рад этиш ва бефарқлик.

Социометрик варақа саволи социометрик мезон дейилади. Ҳар бир мезон быйича социохариталарни тылдириш асосида социометрик матрица тузилади. У "шахмат" жадвали шаклида былиб, қаторларида "ким танлаши", устунларида эса "кимни танлаши" кырсатилади. Бунда социоматрица қаторлари ва устунлари сони меҳнат жамоаси аъзолари сонига тенг, уларнинг фамилияси горизонтал ва вертикал быйича туташади.

Маълумот тыплаш усулларидан яна бири тест ытказишдир. Тест - бу қисқа стандартлаштирилган синов былиб, инсонда шахсий жиҳатлар, қобилият ва лаёқат, мотивлар ва руҳий ҳолат мавжудлиги ҳамда намоён былиш даражасини аниқлашга қаратилади. Ёшларнинг касб йыналишлари, шахснинг турли фаолият жабҳаларидаги қобилиятлари ва етакчилик, ижтимоий мақсадлари, қизиқишлари, эҳтиёжлари, типологиясини аниқлашда тестдан кенг фойдаланилади.

1. *Мутлоқ тасодифий танлов*

Танловнинг ушбу тури умумий мажмуанинг исталган элементига танланиш учун тенг имкониятлар яратилишини таъминлашни кызда тутади. Бунинг учун умумий рыйхат (фамилия, алфавит, рақам быйича) тузилади. Сынг муайян ижтимоий ёки ижтимоий-демографик белги быйича рыйхатга кирувчи элементларни группалаб, умумий мажмуанинг турли структураларига эга быламиз, масалан жинс, ёш, маълумот быйича.

Мутлоқ тасодифий танловни ташкил этишнинг икки асосий усули мавжуд: тадқиқот бирлигини танлашнинг тасодифий қайтарилувчи ва қайтарилмайдиган усули. Улар қуръа қутиси (лоторея) моделига асосланган былиб, қуйидагича амалга оширилади: ягона рыйхатда умумий мажмуанинг ҳар бир элементига хосилавий рақам тамойили быйича тартиб рақами берилади ва ҳар бир рақам "чипта"га ёзилади, улар қутида обдан аралаштирилгач, танлов мажмуасига қанча миқдорда кузатув бирлиги лозим былса, шунча дона чипта ажратиб олинади. Бунда танлаб олинган чипталардаги рақамлар сыров ыткazилиши лозим былган респондентни кырсатади.

Мутлоқ тасодифий танлов социологик тадқиқотларда жуда кам қылланилади, чунки умумий мажмуанинг ҳажми жуда катта.

2. *Механик танлов*.

Ќыллашнинг осонлиги туфайли танловнинг бу усулидан кенг фойдаланилади. Механик танловнинг моҳияти қуйидагича: танлов мажмуаси қанча элементдан ташкил топиши керак былса, умумий мажмуа шунча гуруҳга былинади ва ҳар бир гуруҳдан биттадан кузатув бирлиги танлаб олинади. Умумий мажмуадан респондентни ажратиб олишда кузатув бирлигининг умумий рыйхатидан фойдаланилади. Бундай рыйхатлар сифатида алфавитли рыйхат, сайловчилар рыйхати, тасодифий рақамлар жадвали ёрдамида рақамланган рыйхатларни келтириш мумкин.

**Сынг танлов процедураси амалга оширилади, бунинг учун кузатув бирлиги орасидаги масофани ифодаловчи ҳисоб қадами аниқланади.**

3. *Типик танлов.*

Типик танлов тамойили қуйидагича: умумий мажмуа айрим белгилар быйича типик гуруҳларга былинади ва тадқиқот кузатув бирлиги ҳар бир гуруҳдан алоҳида танлаб олинади. Типик танловда асосий вазифа умумий мажмуани типик гуруҳларга, масалан маълумот, ёш, меҳнат стажи ва ҳ.к. ажратиладиган ижтимоий-демографик характеристикаларни тығри танлаб олишдан иборат. Тоифалаш асоси сифатида умумий мажмуани кыпроқ вариациялайдиган белгини танлаш мақсадга мувофиқ. Бу ҳолда тоифалаш орқали нисбатан турдош гуруҳлар олинади ва шу тариқа танловнинг аниқлиги ошади.

4. *Серияли танлов.*

Баъзи ҳолларда социологик тадқиқотларнинг асосий вазифасини бажариш учун кузатув бирлиги сифатида алоҳида респондентни танлаб олиш етарли былмайди (масалан, бригадалар, гуруҳларнинг меҳнат самарадорлигини ырганишда), балки бирлик сифатида бутун жамоани танлаш мақсадга мувофиқ ва жамоанинг ҳар бир аъзоси билан алоҳида сыров ытказилади. Серияли танловда кузатув бирлиги сифатида гуруҳлар танланади ва уларда тылиқ сыров ытказилади.

Тадқиқот учун серияларни танлаб олиш мутлоқ тасодифий ёки механик танлов орқали амалга оширилиши мумкин.

5. *Кып босқичли танлов*.

